Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН · 26 август 1971 йил, пайшанба ◆ № 196 (15.066). ◆ Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширамиз

ПЛАН — 10 СЕНТЯБРГА!

МЕХАНИЗАТОРЛАР МУСОБАҚАСИ

Тўққизинчи беш йилликнинг тўнғич йили вазифалари якунланадиган кунлар ҳам яқинлашмоқда. Бутун совет халқи жонажон партиямизнинг улуғ анжумани йили — КПСС XXIV съезди бўлиб ўтган йилни якунлашдек буюк тарихий воқеалар арафасида турибди. Етмиш биринчи йилнинг олтин кузи ҳам келиб қолди. Ҳаммамизнинг пешана теримиз, юрак қўримиз билан етиштирилган қут-баракани, мўл-кўл ҳосилни эрта-индин йиғиб-териб олишга киришамиз. Терим мавсуми барча пахтакорлар, коммунист ва комсомоллар учун, хусусан оташқалб, ўтюрак механизаторлар учун катта синовдир.

Бу йил ўтган йиллардаги сингари йиғим-теримнинг чўзилиб кетишига мутлақо йўл қўйиш мумкин эмас, балки уни жуда қисқа муддатда ўтказиш зарур. Бунинг учун дастлабки кунларданоқ суръат отини қамчилаб, ҳар куни йиллик планнинг 5-6 проценти миқдорида ва ундан ҳам ошириб пахта тайёрлашни таъминлаб, белгиланган планларни 15-20 кунда, зиммага олинган мажбуриятни бир ой-қирқ кунда бажармоқ керак. Бунга эришмоқ учун терим агрегатларининг ҳаммасини ва мавсумга зарур бўлган бошқа воситаларни тахт қилиб шайланиб турмоғимиз даркор. Бу ишда механизаторлар ҳал қилувчи ва асосий роль ўйнайди. Чунки кузги шудгорлашдан тортиб, ҳосил йиғим-теримигача бўлган ишларнинг ҳаммасини бажаришда механизаторлар доим олдинги сафда бордилар. Шунинг учун ҳам трактор ёки терим машинасини бошқарадиган кишини пахтачиликда ҳақиқий карвонбоши деса бўлади.

КПСС XXIV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этаётган совхозимиз механизаторлари йиллик планда белгиланган миқдордаги пахтанинг ҳаммасини ёки 10 минг тонна пахтани машиналарда териб беришга қарор қилдилар. Бунинг учун ҳамма терим агрегатлари тўла ремонт қилинди. Икки сменада ишлашга етадиган механизаторлар тайёрланди. 88 та «зангори кема»нинг ҳаммаси пайкаллар бошига чиқариб қўйилди. 20 август куни республикада биринчи бўлиб пахтаси машинада териладиган участкаларда дефолиацияни бошлаб юбордик. Дефолиация асосан уч даврга бўлиб пахтанинг пишиб етилишига қараб ўтказилади ва 10 сентябрда тугалланади. Дастлабки уч кунда Темур Ғаниев бошлиқ еттинчи бўлимнинг Шафоат Шукуров, Бакир Абдураҳмонов, Омон Абдураҳмонов, Омон Абдуллаев ўртоқлар бошлиқ бригадалардаги ғўзалар тўла дефолиация қилинди. Графикка асосан машина терими ўтказиладиган 5000 гектар майдоннинг 1500 гектари дефолиация қилинади ва шундан кейин ёппасига машина терими бошланади. Биз дастлабки кунларданок суръатни кучайтириб, сентябрнинг бошларидаёқ йиллик планнинг 5-6 процентига етказиб пахта тайёрлашга, совхозимизнинг 20 сентябргача планни бажаришини таъминлашга қатъий сўз бердик. «Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмас», деганлар. Биз билан сиз, механизатор дўстлар, ана ўша юкнинг оғирини кўтарадиган норлардан-миз! Бу йил республикамиз пахтакорлари она-Ватанга 4 миллион 400 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга, бунинг 2 миллион тоннасини пўлат этаклардан тўкишга қатъий сўз бердилар. Областимиз механизаторлари эса 200 минг тонна пахтани машинада теришга аҳд қилдилар. Бу ҳазилакам иш эмас, албатта. Аммо совет кишилари олдида, ҳақиқий дала гвардиячилари олдида ҳар қандай мушкуллар осон бўлмоқда, бундан оғир вазифалар ҳам муваффақият билан енгиб ўтилмоқда.

Абдусаттор ҚУРБОНОВ,
Сурхондарё область, Шеробод районидаги Ленин номли совхознинг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи, Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

Мен бошлиқ 4 механизатордан иборат бригада аъзолари бу йил биринчи бўлимнинг қўриқ майдонларидан янги ер очиб 58 гектар ерга эрта баҳорда чигит қадаган эдик. Бригадамиз аъзолари йил бўйи фидокорона меҳнат қилиб мисли кўрилмаган мўл ҳосил етиштирдилар. Биз мавжуд ҳосилни чамалаб кўриб давлатга пландаги 15,6 центнер ўрнига гектаридан камида 40 центнердан «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олдик. Менинг ўзим мавсумда «Ўзбекистон» терим машинаси бункеридан 650 тонна пахта тўкишга сўз бердим. Ҳозир бригадамиздаги ғўзаларнинг барги сифатли дефолиация қилинди. 27 август куни машина теримини бошлаймиз ва ҳар куни 8-10 процент пахта тайёрлашга эришиб, йиллик планни 10 сентябргача тўла бажаришни таъминлаймиз. Ҳосилнинг ҳаммасини машиналарда териб оламиз.

Менга янги «Ўзбекистон» маркали терим агрегати беришди. Унинг ҳамма узелларини қайта кўрикдан ва синовдан ўтказдим. Обкаткани ўтказганда терим аппаратини албатта тракторга тақиб ўтказиш лозим. Чунки мотор юкка мослашмоғи керак. Ана ўшандагина терим мавсумида мотор механик-ҳайдовчини доғда қолдирмайди. Ўтган йилги терим мавсумида мен машинанинг бирон кун ҳам тўхтамай ишлашига эришдим. Шу туфайли «зангори кема» бункеридан 635 тонна пахта тўкишга муяссар бўлдим.

Бизнинг бу йилги аҳдимизни эшитган қўшни «Истара» совхозининг комплекс механизациялашган донгдор бригада бошлиғи Жиянқул Рустамов куни кеча келиб бригадамиз аъзолари билан қўл олишди. У биз билан мусобақалашиш истагини билдириб, бригадасига қарашли 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан хирмон кўтаришга, шахсан ўзи мавсумда 660 тонна «оқ олтин»ни бункердан тўкишга, йиллик пахта тайёрлаш планини 10 иш кунида бажаришга аҳду паймон қилди. Мусобақа шартлари ҳар иккала бригада аъзоларининг йиғилишида муҳокама этилиб қизғин маъқулланди ва шу асосда қайноқ меҳнат жўш уряпти. Ён қўшнимиз — Охунбобоев номли совхознинг донгдор бригадаси бошлиғи, машҳур механизатор Алимурод Ёқубов бошлиқ бригада аъзолари ҳам бу ташаббусга қўшилишди. Бундан ташқари Шеробод ва Гагарин районларидаги таниқли механизаторлар, механик-ҳайдовчиларнинг карвонбошилари бўлмиш Отамурод Худойназаров, Шоймардон Қудратов, Тоғай Абсаматов, Бекмурод Зайниев, Светлана Продан, Эшмирза Пардаев, Чиннихол Худоёрова сингари ўнлаб механизаторлар мавсумда терим агрегатлари билан 400-700 тонна пахта териш ташаббускорлари бўлиб ўртага чиқдилар. Биз республикадаги ҳамма ҳамкасбларимизни бу ватанпарварлик ҳаракатига қўшилишга чақирамиз.

Мен яқинда Озарбайжонда бўлиб ўтган ёш механизаторларнинг Бутуниттифоқ слётида Турсуной Охунова билан биргаликда қатнашдим. Улар бизнинг ишимизга ғоят кизиқиш билан қарашди. Озарбайжоннинг машҳур механизатори, республика Олий Советининг депутати, ўтган йили мавсумда 420 тонна пахтани машинада терган Шабан Ризаев билан беллашишга қарор қилдик. У бу йил «пўлат этак»дан 500 тонна пахта тўкишга сўз берди. Мен мавсумда машина теримини ўтказиш учун ўз бригадамдан ташқари совхозимизнинг биринчи бўлимидан 100 гектар, бошқа бўлимлардан 250 гектар, жами 400 гектар ер ажратиб олдим. Ана шу майдонларни бирма-бир кўздан кечириб чиқдим. Совхоз маъмурияти бу майдонларни менга биркитиб қўйди. Мен ўзимга шахсий график тузиб чиқдим. Шунга кўра 5 сентябрдан бошлаб бир ой давомида кунига 20 тоннадан тушурмай 5 октябргача 400 тонна, 5 октябрдан 25 октябргача кунига 15 тоннадан тушурмай камида 250 тонна, жами 650 тонна пахтани бункердан хирмонга тўкаман.

Одамнинг умрини кўпинча оқар сувга қиёс қилишади. Бу жуда тўғри: инсоннинг ёшлиги пишқириб, гирдобланиб, йўлидаги ҳамма ғовларни сипириб-сидириб, мавжланиб оқиб бораётган баҳор тошқинига ўхшайди. Янги жамият қуришда, табиатни ўзгартиришда инсоннинг, хусусан ҳозирги замон қудратли техникасини эгаллаган ёш механизаторларнинг роли катта. Бобокалонларимиз «инсондан яхши от қолсин» деб бежиз айтишмаган! «От изини той босар» деган ҳикматли нақл бор. Биз қаҳрамон ва донгдор ота-боболаримиз, ака-укаларимиз, опа-сингилларимиз ўрнини босмоғимиз, уларнинг шонли ишини давом эттирмоғимиз даркор. Коммунизм қуришдек инсониятнинг эзгу орзуси бизнинг чекимизга тушганлиги катта бахтдир. Бу улуғ ишнинг амалга ошиши биз нечоғли жўшқин меҳнат қилишимизга боғлиқ. Ҳозирги кунда йил—ўн икки ой пешана тери тўкиб етиштирилган «оқ олтин»имизни қисқа вақт ичида йиғиб-териб олиш ва зиммага олинган юксак мажбуриятларни шараф билан бажаришдан ҳам кўра муҳимроқ иш йўқ. Бу иш республикамизда яшаётган ҳамма меҳнаткашларнинг ҳам эзгу мақсади, муҳим вазифасидир.

Йиғим-терим мавсумини муваффақиятли ўтказишда биз механизаторлар доим олдинги сафда бўлишимиз, деҳқонларимизнинг мушкулини осон, пахтакорларимизнинг оғирини енгил қилмоғимиз даркор.

Ўзбек халқининг миллий ифтихори бўлган пахта етиштиришни кўпайтириш, Ватанимиз бойлигига бойлик қўшиш ҳамиша муқаддас бурчимиз бўлиб қолсин!

Фарғона область, Олтиариқ районидаги «Партия XXII съезди» колхози пахтакорлари 1980 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» олиш учун курашмоқдалар. Суратда (чапдан) колхознинг бош агрономи А. Эминов ва бригадир И. Нишонов ўртоқлар машинага мослаб ўстирилган ғўзаларни кўздан кечиришмоқда. Пастдаги суратда: Андижон область, Ленин районидаги Карл Маркс номли колхознинг табелчиси (чапдан) Ғ. Ниёзов ва илғор бригада бошлиғи О. Қаюмов ўртоқлар ғўзалардаги бўлиқ кўсакларни санашяпти.

А. Тўраев фотолари.

Янгийўл консерва заводининг коллективи бу йил 42 миллион шартли банка турли хил мева консервалари тайёрлаб чиқаради. Ҳозир йиллик планни ошириб бажариш учун ҳамма имкониятлар ишга солинмоқда. Юқоридаги суратда: мевани консервалаш цехининг илғорлари Шарифа Абдураззоқова ва Валентина Крикунова ўртоқлар маҳсулот сифатини текшириб кўришмоқда. Пастдаги суратда: ишчи Р. Сейдалитова тайёр маҳсулотларни кўздан кечирмоқда.

И. Глауберзон фотолари.

Ем-хашак жамғариш ойлиги давом этмоқда

СЕНАЖ БОСТИРИШ ҚИЗҒИН

Самарқанд область Оқдарё районидаги «Москва» колхозида ем-хашак етиштиришга ихтисослаштирилган иккита бригада ташкил этилган. Бу бригадаларга Ҳасан Қобилов билан Мурод Абдуллаев ўртоқлар бошчилик қилишади. Ҳар иккала бригада ҳам чорва моллар учун мустаҳкам озуқа базаси вужудга келтириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётир.

Яхши парвариш қилинган 364 гектар майдондаги беда барқ уриб ўсди. Ҳозир учинчи ўрим тугаллаңай деб қолди. Ҳисоб-китобларга кўра ҳар гектар ердаги бедазордан 120 центнердан пичан олинмоқда.

Бундан ташқари ҳар хил ўтўланлардан сенаж бостиришга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Ҳар иккала бригада меҳнатсеварлари 300 тоннадан зиёдроқ сенаж бостириб қўйишди. Маккажўхорининг эса гектаридан 600 центнердан кўкпоя олиниб, силос қилинмоқда.

Сенаж ва силос бостириш, дағал хашак ғамлаш тез суръатлар билан олиб борилмоқда.

ҚИШЛОВ ЯХШИ ЎТСИН ДЕБ

Чорва қишловини муваффақиятли ўтказаман деган хўжалик ҳозирдан ем-хашакни кўпайтиришга жиддий эътибор беради. «Озуқли от ҳоримас» деганларидек, ем-хашак қанча сероб бўлса, қўйлар қишдан соғлом, семиз чиқади. Бунга алоҳида аҳамият бераётган Бойсун районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхози биринчи бўлимининг чорвадорлари озуқа тўплашни бутун чоралар билан кучайтириб юборишди.

Дағал хашак тўплашда 50 киши ишлаяпти. Карим Раимов, Малика Жўрабоева, Чаман Ҳамдамова, Эшниёз Панжиев сингари серғайрат ишчилар янтоқ чопиш нормасини бир ярим ҳисса ошириб бажармоқдалар. Уларнинг кучи билан ҳозиргача 350 тонна янтоқ чопилиб, фермаларга ташиб келтирилди.

Бундан ташқари бўлимимизда 500 тонна силос бостирилди. Тайёрланган озуқа чорва моллар учун қишга етиб ортади.

П. ТИЛОВОВ,
Бойсун районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозининг ишчиси.

Ўзбекистон ССР областларида дағал хашак жамғариш ва сенаж бостиришнинг бориши тўғрисида 1971 йил 23 августга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — жамғарилган дағал хашак; учинчи стун — бостирилган сенаж.

Тошкент	44,8	46,5
Сирдарё	45,5	33,2
Фарғона	51,4	23,2
Наманган	61,5	46,3
Андижон	55,5	51,6
Самарқанд	56,2	58,9
Бухоро	47,4	30,8
Қашқадарё	38,3	5,7
Сурхондарё	71,5	32,9
Хоразм	56,1	18,3
ҚҚАССР	51,0	7,4
Республика бўйича	51,4	34,2

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Республика областларида сабзавот, ҳўл-мева, узум, полиз экинлари маҳсулотлари ва картошка тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1971 йил 23 августга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — сабзавот; учинчи стун—ҳўл мева; тўртинчи стун — узум; бешинчи стун — полиз экинлари маҳсулотлари; олтинчи стун — картошка.

Тошкент	44,0	33,2	3,3	33,8	66,5
Сирдарё	17,2	77,9	6,8	70,2	34,1
Фарғона	62,8	64,8	17,2	36,6	63,9
Наманган	77,5	55,6	11,8	87,4	53,6
Андижон	61,8	98,0	12,4	60,4	121,2
Самарқанд	45,6	49,8	6,1	27,6	33,0
Бухоро	55,0	89,8	1,5	65,6	—
Қашқадарё	48,2	22,2	25,1	17,0	51,4
Сурхондарё	91,3	27,9	6,4	70,6	111,0
Хоразм	41,5	110,8	0,9	12,5	—
ҚҚАССР	28,4	88,2	0,5	6,8	36,3
Республика бўйича	50,5	50,6	7,4	45,1	59,9

Советлар мамлакатида

ПАХТА ТЕРИМИ БОШЛАНДИ

БОКУ. Озарбайжоннинг асосий пахтачилик базалари ҳисобланган—Ширвон, Мил ва Муған даштларида пахта терими бошланди. Бу хўжаликлар даласида дастлабки куни 100 мингдан ортиқ теримчи «оқ олтин» терди. Давлат қабул пунктларига дастлабки «оқ олтин» топширилди.

Республика пахтакорлари тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида давлатга 350 минг тонна «оқ олтин» сотишга аҳд қилганлар. Бу ўтган йилдагига қараганда қарийб 10 процент кўпдир. Озарбайжон пахтакорлари етиштирилган ҳосилнинг 110 минг тоннасини механизация ёрдамида териб олишни белгилаганлар.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ШАҲРИТУЗ. (Тожикистон ССР). Қурилаётган Термиз — Қўрғонтепа — Ёвон темир йўлининг 116-километрида Кофарниҳон дарёси орқали ўтадиган темир йўл кўприги муддатидан бир ой илгари қуриб битказилди. Кўприкдан йўл ётқизувчи поезд ўтди. Кофарниҳон орқали ўтувчи кўприк йўл трассасидаги 400 та йирик сунъий иншоотларнинг биридир.

ЯНГИ МАШИНА

КОПЕЙСК. (Челябинск области). Пластмасса заводида «Чайка» кир ювиш машинаси ишлаб чиқарила бошланди. Янги маҳсулотнинг дастлабки туркумлари магазинларга жўнатилди. Йил охиригача завод коллективи бир неча ўн минг янги машина тайёрлаб чиқаради.

МЕҲНАТКАШЛАР УЧУН

НИКОПОЛЬ. (Днепропетровск) Механика заводида гўшт қиймалайдиган машина (мясорубка) ишлаб чиқарувчи йирик цех қурила бошланди. Бу ердаги барча технология жараёнлари батамом механизациялаштирилади ва автоматлаштирилади. Заводдан савдо-сотиққа ҳар йили 700 минг та қийма машиналари ишлаб чиқарилади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

А. А. Саркисовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида

Ўрта Осиё ирригация ва совхозлар қурилиши бош бошқармасининг «Главсредазирсовхозстрой» собиқ бошлиғи Акоп Абрамович Саркисовнинг республикадаги социалистик қурилишда қилган катта хизматларини назарда тутиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети:

«Главсредазирсовхозстрой»нинг «Средазгипроводхлопок» лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот институтига;

Сирдарё область Дўстлик районидаги 12- совхозга;

Жанубий Мирзачўл каналига;

Тошкент шаҳридаги кўчалардан бирига А. А. Саркисов номини беришга қарор қилдилар.

А. А. Саркисовнинг қабрида марҳумнинг бюсти ўрнатилади.

ТЕЖАМКОРЛИК УЧУН

Каттақўрғон ёғ-мой комбинатининг ишчи ва хизматчилари йил бошидан бери 350 минг сўмлик маблағ тежадилар. Бунга эса ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, хомашё, ёқилғи, электр энергия ва ёрдамчи материаллар нобудгарчилиги камайтирилганлиги туфайли эришилди. Барча заводлар ва цехларнинг ишчилари иқтисодий тежам ва тежамкорлик учун юришга қўшилдилар. Тўққиз юзга яқин ишчининг шахсан тежаган маблағ ва материаллари бор. (ЎзТАГ).

Ўзбекистонда қозоқ адабиёти ва санъати декадаси олдидан

ЁРҚИН ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

ЎЗБЕК диёрида куз фаслида катта шодиёна байрам — қозоқ адабиёти ва санъати декадаси бўлади. Юксак ватанпарварлик, самимий ва ижодий ҳамкорлик руҳида ўтадиган қардош совет халқларининг адабиёт ва санъат декадалари ҳозирги кунда ажойиб анъанага айланиб қолди.

Рус, қирғиз, ўзбек билан
Ёнма-ён турар қозоқ.
Мустаҳкам бу оила,
Барча қадрдон, иноқ.

Биз Қозоғистондан ўз декадаларини ўтказиш учун келадиган дўстларимизга хоналаримиз ва қалбларимизнинг эшикларини ланг очиб турган кунларда бу шоирона мисралар яна қайтадан катта куч билан жаранглайди.

Ўзбекистон ССР Маданият министрининг ўринбосари **С. К. Камолиддинов** Ўзбекистонда ўтказиладиган ана шу ажойиб дўстлик байрамига қандай тайёргарлик кўрилаётгани ҳақида гапириб, шундай деди:

ЎЗБЕК ва қозоқ халқларининг дўстлиги заминимиз тепасида нур сочиб турган офтобдай қизгин ва ёрқиндир. Бу монолит дўстлик Улуғ Октябрь инқилоби кунларида туғилди, бу дўстликни Коммунистик партия тарбиялаб, вояга етказди.

Республикамизда шу йил сентябрь ойи охирида бошланадиган қозоқ адабиёти ва санъати декадаси халқларимиз қардошлиги ва биродарлиги тараққиётида янги босқич бўлади. Ўн кун давомида қуёшли республикамиз бағрида қардош қозоқ халқи маданияти тантаналари авж олади. Ўн кун давомида юртимиз қишлоқ ва шаҳарлари осмонида бахтли ҳаётимизни тараннум этувчи, халқларимиз дўстлигини мадҳловчи қозоқ қўшиқлари ва ўланлари янграйди.

Республикамизга Қозоғистон санъаткорларининг энг яхши коллективлари меҳмон бўлиб келади. Биз Қурмонғози номидаги Қозоғистон давлат халқ чолғу асбоблари оркестри, Давлат хор капелласи, Қозоғистонда хизмат кўрсатган қўшиқ ва рақс ансамбли, «Гулдер» эстрада ансамбли ва бошқа хореографик, камер ҳамда эстрада коллективларининг ажойиб санъатларидан баҳраманд бўламиз.

Декадада Қозоғистоннинг таниқли санъат арбоблари — СССР халқ артистлари Бибигул Тулегенова, Ермек Серкебоев, Роза Жаманова ва бошқалар иштирок этадилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Қозоғистон кинематографчилари ўзлари билан олиб келадиган янги фильмларни ҳам кўришга муяссар бўладилар. Шунингдек, қардош республика ҳаётини ёрқин гавдалантирувчи тасвирий ва амалий санъат асарларининг катта кўргазмаларини томоша қиладилар, қозоқ ёзувчилари ва шоирлари билан учрашадилар. Уларнинг китоблари сотиладиган расталар ташкил этилади.

Бизнинг азиз меҳмонларимиз — қозоғистонлик актёрлар, рассомлар, композиторлар, сўз санъаткорлари республикамизнинг узоқ район ва қишлоқларига сафарга чиқадилар. Ишчилар, пахтакорлар ва зиёлилар билан учрашувлар ўтказадилар. Ҳамма жойда улар илиқ, дўстона ва шодиёна қарши олинишига аминмиз.

Ўзбекистон қардош Қозоғистон маданияти вакилларини кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўряпти. Ана шу мақсадда Қозоқ адабиёти ва санъати декадасини тайёрлаш ва ўтказиш республика ташкилий комитети тузилди.

Шу кунгача анча тайёргарликлар кўрилди. Ўзбек тилида қозоқ ёзувчилари ва шоирларининг кўпгина асарлари таржима қилиниб, нашр этилмоқда. Дўстларимизнинг китоблари декада кунларида дўконларда сотилиши учун Ғафур Ғулом номидаги санъат ва адабиёт нашриёти ходимлари катта ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Республикамиз театрларининг саҳналарида қозоқ драматургларининг пьесалари кўрсатилади. Саҳналарда ҳамда радио ва телевидение орқали қозоқ халқининг жозибали куйлари жаранглайди.

Бироқ, декадани кўнгилли ўтказиш учун ҳали яна анча ишлар қилишга тўғри келади. Халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлашга, миллий маданиятларимизнинг ўзаро яқинлашуви ва бир-бирини бойитишига, кишиларимизни социалистик интернационализм ва ҳаётбахш совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган бу ажойиб дўстлик ва маданият байрами арафасида яна бир қатор тадбирларни амалга ошириш ниятидамиз.

Биз меҳмондўст ўлкамизга қозоғистонлик дўстларимизнинг ташриф буюришидан бениҳоя хурсандмиз.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

УСТАВ ТАЛАБЛАРИ — ҚОНУН

КПСС XXIV съезди қўйган улкан вазифаларни тўла бажариш — партия аъзоларининг КПСС Устави талабларини оғишмай бажаришига, кенг меҳнаткашлар оммасининг сиёсий тарбиячиси ва жанговар ташкилотчиси сифатида бошланғич партия ташкилотларининг олиб борадиган ишига боғлиқдир. Буни ҳисобга олиб Андижон шаҳар партия комитети шаҳар электр тармоқлари корхонаси коммунистлари партия Устави талабларини қандай бажараётганини муҳокама қилди. Бу корхонада коммунистлар катта кучни ташкил этади. Уларнинг аксарияти муҳим участкаларни бошқаради, кўпчилик коммунистлар ўрта, тўлиқсиз олий ва олий маълумотга эга.

Коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номга сазовор бўлган А. Абдураимов, У. Мансуров, П. Ҳамдамов, В. Р. Черних смена ва ойлик план топшириқларини доимо 120 процент ва ундан ҳам ошириб бажариб, касбдошларини ҳам шунга даъват қилмоқдалар. Айни вақтда улар ўзларининг ғоявий-сиёсий савияларини ҳам тиним-сиз оширмоқдалар.

Аммо корхонадаги баъзи коммунистлар, жумладан, М. Худойбердиев, У. Кенжаев, М. Одилов, У. Алиёровалар ҳақида бундай деб бўлмайди. Улар бир ярим йил давомида партия йиғилишларида мунтазам қатнашган бўлсалар-да, бирор марта ҳам сўзга чиқмаганлар. Айрим коммунистлар эса партия топшириқларини ўз вақтида бажариш ўрнига, унга юзаки қарамоқдалар. Лекин партбюро ва унинг секретари А. Жўрабоев коммунистлар Устав талабларини ва берилган партия топшириғини қандай бажараётганлиги билан қизиқмаган. Шунинг учун шаҳар партия комитети партбюро ва унинг секретари А. Жўрабоевга ишни КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети II пленуми қарорлари асосида йўлга қўйиб, коммунистлар ўртасида ташкилий-партиявий, партиявий-сиёсий ишларни яхшилаш, хўжаликка партия раҳбарлигини кучайтириш, коммунистлар КПСС Устави талабларини қандай бажараётганини мунтазам назорат қилиб боришни ва тез-тез уларнинг ҳисоботларини тинглаб туришни тавсия қилди.

СЕКРЕТАРЬ НЕГА ЖАЗОЛАНДИ?

Партия XXIV съезди қарорлари талаби асосида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети II пленуми республика бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини янада яхшилаш тадбирларини аниқ белгилаб берди. Бу тадбирларни тўла-тўкис амалга ошириш учун ҳар бир коллективдаги коммунистлар бўлиб ўтган партия йиғилишларида конкрет шарт-шароит ва имкониятларни ҳисобга олиб, ўзлари қиладиган аниқ ишларнинг режаларини белгилаб олдилар.

Бухоро шаҳридаги кўпгина партия ташкилотларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети II пленуми қарорларини муҳокама қилишга бағишланган партия йиғилишлари ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик ва юксак савияда ўтди. Унинг иштирокчилари ўз бурчларига талабчанлик, ишчанлик ва партиявий принципиаллик билан ёндошиб, партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш, унинг ишлаб чиқаришнинг ҳамма томонига таъсирини янада кучайтириш тўғрисида аниқ фикрлар билдиришди. Мавжуд камчиликлар рўй-рост очиб ташланди ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Бироқ шаҳар партия комитети пленум қарорларининг муҳокамасига бағишланган йиғилишларга якун ясаб, бу масалани бюрода муҳокама қилганда айрим партия ташкилотларида йиғилишлар юзаки, шошма-шошарлик билан ўтказилганлиги ҳам маълум бўлди. Баъзи партия ташкилотларининг қабул қилган қарорлари умумий, аниқ вазифалар қўйилмаган. Айрим ҳолларда партия йиғилишларининг муддати ўзбошимчалик билан ўзгартирилаверган. Ана шундай ҳол «Бухарагазпромстрой» трестига қарашли 1-қурилиш бошқармаси партия ташкилоти фаолиятида содир бўлгани учун шаҳар партия комитети партия ташкилоти секретари А. Х. Фаткулинга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан выговор эълон қилди. Ана шундай камчиликларга йўл қўйган бошқа партия ташкилотларининг секретарлари жиддий огоҳлантирилди, уларга мавжуд камчиликларни тезлик билан тугатиш вазифаси юклатилди.

ШАҲАРЛАРИМИЗ ЖАМОЛИ

Республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқлари, район ва область марказларида янги уй-жой, маданий-маиший ҳамда маъмурий бинолар қурилиб, жамолини кўз-кўз қилмоқда. Суратларда: Самарқанд шаҳрида қад кўтарган «Самарқанд» меҳмонхонаси, Бухоронинг янги микрорайонида барпо этилган универмаг ва почта-телеграф бинолари.

В. Сироткин фотолари.







ПАРТИЯГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

РАЙКОМ СЕКРЕТАРИ МИНБАРИ

Партия ўз сафини энг илғор, онгли, софдил, садоқатли кишилар ҳисобига тўлдириб боради. Бу ҳар бир партия ташкилотининг муқаддас бурчидир. КПСС XXIV съездида ҳам бу муҳим масалага алоҳида эътибор берилди. **«Бизнинг вазифамиз партия сафининг ўсишини тартибга солиб турадиган тарзда таъсир кўрсатишдан, партия сафини ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва интеллигенциянинг энг муносиб вакилларини якка-якка ҳолда танлаш асосида тўлдириб боришдан, КПСС состави партия олдида турган вазифаларни энг яхши тарзда ҳал этиш имконини берадиган бўлишига эришишдан иборат»,** деб таъкидланди КПСС Марказий Комитетининг партия съездига ҳисобот докладида.

Партия сафини ўстиришда биз ана шу ленинча кўрсатмаларга оғишмай амал қилмоқдамиз. Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари айниқса КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг II пленумидан сўнг партияга янги аъзолар қабул қилишга жиддий ёндошадиган бўлди. Партия сафига кирувчиларга нисбатан талабчанлик оширилди. Район партия комитетининг пленум ва бюро мажлисларида партияга қабул қилиш масалалари вақти-вақти билан муҳокама қилиб турилипти. Кейинги 1,5 йил давомида районимизда партия комитетлари секретарларининг тўрт марта семинари бўлиб ўтди. Бу семинарларда партия сафларини ўстириш ва ёш коммунистларни тарбиялаш масалалари юзасидан докладлар тингланди, бошланғич партия ташкилотлари секретарлари шу хусусда ўзаро фикр алмашдилар.

Район партия комитети ҳузурида партияга қабул қилиш ва шахсий ишлар тўғрисидаги масалаларни олдиндан қараб чиқадиган комиссия бор. Жамоатчилик асосида ишловчи бу комиссияга катта партиявий иш тажрибаси бўлган коммунистлар жалб қилинган.

Штатсиз комиссия район партия комитетига яқиндан ёрдам беряпти. У бошланғич партия ташкилотларида анкеталарнинг тўғри тўлдирилишини, тавсияномаларнинг КПСС Устави талабларига мос бўлишини, партияга қабул қилиш ҳақидаги аризаларнинг партия йиғилишида муҳокама қилинишини кузатиб боради.

Амалга оширилган бу тадбирлар яхши натижалар бермоқда. Партияга қабул қилиш сифати тубдан яхшиланди. Ҳозир районимизда 2470 коммунист бор. Уларнинг тўртдан бир қисми ёш коммунистлардир. Кейинги бир ярим йил давомида партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинган 245 кишининг кўпчилиги ишчи ва колхозчилардир.

Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари кишиларни кундалик турмушда ўрганиб, уларнинг ишига, кенг жамоатчилик орасида ўзини қандай тутишига баҳо бериб, партия сафларини тўлдиришга лаёқатли резервларни вужудга келтираяпти. Районимизда партияга танлаб қабул қилиш партия ташкилотига шу ҳақда ариза тушган вақтдан эмас, балки анча аввал, одамларнинг ишчанлик, сиёсий ва маънавий фазилатларини чуқур ўрганишдан бошланмоқда.

Ўктам Соҳибов «Партия XX съезди» колхозида бригада бошлиғи бўлиб ишлайди. Ишчан камтар одам. У бошлиқ бригада ўтган йили 108 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 43 центнердан хирмон кўтарди. Бу йил эса 50 центнерлик маррани эгаллаш кўзланяпти. Ҳамқишлоқлари Ў. Соҳибовни район Советига депутат қилиб сайладилар.

Колхоз партия ташкилоти Ўктам Соҳибовнинг жамоат ишига чинакам жонкуярлик қилаётганини ҳисобга олиб, унга топшириқлар бера бошлади. Ўтган йили колхоз коммунистлари Ўктам Соҳибовни бир овоздан партия аъзолигига кандидатликка қабул қилдилар. Колхоз партия комитети ва райком бюроси бригада партия ташкилотининг қарорини тасдиқладилар.

Султонбой Тожибоев 1958 йилда «Октябрь 50 йиллиги» совхози сут-товар фермасига ишга келган эди. Дастлаб молбоқарлик қилди, сўнг сигир соғди. Жамоат чорвачилигини механизациялаш ишига ўз ҳиссасини қўшди. С. Тожибоев машинада сут соғиш бўйича ўтказилган мусобақада қатнашиб, республика чемпиони деган ном ва Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг «Фахрий ёрлиғини олишга муваффақ бўлди. Султонбой ўз ишини яхши билади ва севади, тажрибаларини ҳамкасбларига ўртоқлашади, ўргатади. Ферма партия ташкилоти бу йигитни партия аъзолигига кандидатликка қабул қилди.

Партия аъзоси деган улуғ номга мушарраф бўлган Султонбой Тожибоев ўзига билдирилган ишончни сидқидилдан оқламоқда. Унга 80 бош сигир бириктилган. Моҳир сут соғувчи ҳар бош сигирдан 2200 килограммдан сут соғиб олмоқда. Меҳнатсеварлиги ва жамоат ишига жонкуярлигини эътиборга олган совхоз ишчилари С. Тожибоевни Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайладилар.

КПСС Уставида партия аъзоси коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун курашда актив қатнашиши, меҳнатда намуна кўрсатиши, ҳамма янги, прогрессив нарсаларнинг ташаббускори бўлиб чиқиши, илғор тажрибани қўллаб қувватлаши ва оммалаштириши, техникани эгаллаши, ўз малакасини тинмай ошириб бориши лозим деб айтилган. Ана шу талабларга тўла-тўкис жавоб бериш ҳар бир коммунистнинг муқаддас бурчидир.

Коммунистнинг сиёсий билим даражаси қанчалик кенг бўлса, у шунча кўп ташаббус кўрсатиб ишлайди. Район партия комитети ана шунга эътиборни кучайтириб, ёш коммунистларнинг сиёсий билимларини тинмай оширишлари учун ғамхўрлик қилмоқда. Районимизда 350 га яқин ёш коммунист партия маорифи шохобчаларида ўқимоқда. Партияга янги қабул қилинган 46 киши марксча-ленинча назарияни мустақил ўрганяпти. 71 киши олий ўқув юртлари ва техникумларда сиртдан ўқимоқда. Ҳар бир колхоз ва совхоз партия ташкилоти қошида ёш коммунистлар билан ишлаш мактаби бор. Бу мактабда юксак ғоявийлик, принципиаллик, интизомлилик сингари коммунистга хос юксак фазилатлар партияга янги қабул қилинган кишилар онгига сингдириб борилмоқда.

Партия топшириқлари ёш коммунистларни тарбиялашнинг муҳим воситасидир. Бунда коммунистнинг тайёргарлик савияси, унинг қобилияти ва майли ҳисобига олинади. Шерматобод қишлоқ Советидаги бошланғич партия ташкилотининг ана шу соҳада олиб бораётган иши диққатга сазовордир. Партия ташкилоти Муҳаббатхон Насриддиновани партия аъзолигига кандидатликка қабул қилгач, унга партиявий топшириқлар бериб, бу топшириқларни қандай бажараётганлигини кузатиб борди, йўл-йўриқлар кўрсатиб турди. Натижада М. Насриддинова ўз ҳаётини партия билан абадий боғлашга унинг актив курашчиси бўлиб қолишга қарор қилди. У партияга аъзоликка қабул қилингандан сўнг жамоат иши учун янада кўпроқ жон куйдирадиган бўлди, ташкилотчилик қобилиятини кўрсатди. Ҳозир Муҳаббатхон Насриддинова Шеробод қишлоқ Советининг раиси бўлиб ишлаяпти.

Район колхозлараро қурилиш ташкилоти бошланғич партия ташкилотининг иши ҳам ибратлидир. Бу ерда партия сафига қабул масаласи муҳокама қилинаётган йиғилишлар ҳамиша ишчанлик вазиятида ўтмоқда. Партияга қабул қилинаётган кишиларнинг фазилатлари, ютуқ ва камчиликлари тўғрисида ошкора гаплашиб олинади. Партияга кирувчи киши ўзи иштирок қилган биринчи йиғилишдаёқ коммунист олдида қандай юксак талаблар борлигини яққол ҳис қилади.

Ишимизда баъзи камчиликлар ҳам содир бўлаётганлигидан кўз юмолмаймиз, албатта. Районимизда кишиларни танлаб, уларнинг энг муносибларини партияга қабул қилиш тўғрисида КПСС XXIV съезди кўрсатмаларини эътибордан четда қолдираётган айрим партия ташкилотлари ҳали ҳам учраб туради. Бундай партия ташкилотларида кишиларни яхши ўрганмасдан партияга қабул қилиш ҳоллари рўй бермоқда. Тельман номли колхоз партия ташкилоти (секретари Ғ. Саматов) Б. Қурбонов деган кишини партия аъзолигига кандидатликка қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бироқ райком бюроси колхоз партия ташкилотининг бу қарорини тасдиқламади. Чунки Б. Қурбонов партия Уставини яхши ўрганмаган ва етарли даражада иш тажрибасига эга эмас эди. Райком бюроси шунингдек, 3-механизациялашган кўчма колонна партия ташкилотининг ҳам партия сафини ўстиришда шошма-шошарликка йўл қўяётганини таъкидлаб кўрсатди.

Партияга янги аъзолар қабул қилишга ортиқча берилиб кетиш, бу ишда пала-партишликка йўл қўйиш партия қурилишининг ленинча принципларига зиддир. Район партия комитети ишда йўл қўйилаётган камчиликларни тезда тугатиш ва партия сафига энг муносиб кишиларнигина қабул қилиш тадбирларини амалга оширмоқда.

Партиявий-ташкилий ишларнинг яхши йўлга қўйилгани ва коммунистлар активлигининг оширилгани яхши натижа беряпти. Булар эришилаётган барча ютуқларда ўз ифодасини топмоқда. Районимиз пиллачилари беш йилликнинг биринчи йилида давлатга 213 тонна кумуш тола сотиб, йиллик планни ошириб бажардилар. Шунингдек, тухум топшириш йиллик плани, гўшт сут, жун тайёрлаш ярим йиллик планлари ҳам анча ортиғи билан адо этилди.

Районимиз коммунистлари беш йилликнинг биринчи йилида 50 минг тонна пахта етиштириш учун бошланган курашнинг олдинги сафида бормоқдалар. Ҳозир колхоз ва совхозларда олинган юксак мажбуриятга яраша ҳосил тўплаш давом эттирилияпти. Ваъдага вафо қилиш учун олиб борилаётган бу курашда ҳар бир коммунист намуна кўрсатиб ишлаяпти.

У. САРИМСОҚОВ,
Андижон область, Избоскан район партия комитетининг биринчи секретари.

«БИЗ ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ХАЛҚЛАРИНИНГ БИРДАМЛИГИНИ КЎРДИК»

Сенегал Республикаси Миллат мажлиси делегациясининг раҳбари, Миллат мажлиси раисининг ўринбосари Амаду Бута Гэй Ўзбекистон телеграф агентлигининг муҳбири билан суҳбатини «Совет Ўрта Осиёси — ажойиб ўлка», деган сўзлар билан бошлади .СССР Олий Советининг таклифига биноан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Сенегал парламентининг аъзолари бир неча кун мобайнида Ўзбекистон билан танишдилар. Улар Тошкент ва Самарқандда бўлдилар, колхозлардан бирини бориб кўрдилар. Делегация 25 августда Волгоградга жўнаб кетди.

Амаду Бута Гэй жўнаб кетиш олдидан қилган суҳбатида мени ва йўл дошларимни Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳаётининг кўп томонлари ғоят қизиқтирди, деб таъкидлади. «Республикангизнинг халқлари, — деди у, — ўзининг шонли тарихи билангина эмас, ҳозирги ютуқлари билан ҳам фахрланишлари учун ҳамма асосларга эгадирлар. Биз бу ерда танишиб чиққан тажрибадан мамлакатимиз миллий тараққиёти манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қиламиз».

Сенегал Миллат мажлиси раисининг ўринбосари яна қуйидагиларни айтди: «Сафаримиз вақтида Совет Иттифоқи халқларининг ижодий генийси кўз олдимизда намоён бўлди. Биз совет кишилари бирлик ва ўзаро ишонч вазиятида яшаётганлигига қаноат ҳосил қилдик». Меҳмон Тошкентдаги зилзиладан кейин барча иттифоқдош республикалар ёрдами билан барпо этилган янги уй-жой кварталларини ана шу бирликни ифода этувчи ёрқин далиллардан бири деб атади.

«Тошкент ўз иншоотлари билан халқларнинг бирдамлиги намунасини бутун дунёга кўрсатди. Тошкент Совет Иттифоқида бирдамлик-қуруқ гап бўлмай, реал воқелик эканлигини намойиш қилди. Биз Тошкентда халқларингизнинг порлоқ истиқболи учун ана шундай бирдамлик зарур эканлигига ишонганликларини ҳис этдик», деб уқтириб ўтди меҳмон.

Амаду Бута Гэй делегациянинг ҳамма аъзолари номидан гапириб, Ўзбекистон меҳнаткашларининг, барча совет кишиларининг халқлар ўртасида ҳамкорлик ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлида янгидан-янги муваффақият ва ғалабаларга эришувларини тилади.

СЪЕЗД, БЕШ ЙИЛЛИК ВА ИШЧИ

Абдулла ВОҲИДОВ,
Наманган қурилиш бошқармасининг комплекс бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

„СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ" АНКЕТАСИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

1. КПСС XXIV съезди ва унинг қарорлари шахсан сизда қандай таассурот қолдирди? Сизни нималар кўпроқ қизиқтирди ва тўлқинлантирди?

Съездда коммунистик жамият қурилишининг, меҳнаткашлар турмуш фаровонлигини оширишнинг улуғвор программаси ишлаб чиқилган экан, демак томчида қуёш акс этганидек, мен ва менинг оиламнинг ҳаёти ҳам янги беш йилликда янада фаровон бўлади, жонажон мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш қуввати ривожланади моддий ва мудофаа қуввати ўсади. Мени янги беш йилликдаги капитал қурилиш кўлами айниқса қизиқтирди. Бепоён Ватанимизнинг ҳамма ерида қурилиш суръатлари кенг қулоч ёзиши мени айниқса жуда хурсанд қилди.

2. Сизнингча, ўз участкангизда, цех ва корхонангизда тўққизинчи беш йиллик планларини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақани яна қандай яхшироқ ташкил этиш мумкин?

Социалистик мусобақа — ютуқлар омили. У ҳар бир кишини янада унумлироқ меҳнат қилишга, манглай терининг самараси баракалироқ бўлишга даъват этди. Бригадамиз эришаётган ютуқларда ҳам мусобақалашиб ишлаш катта наф келтирмоқда. Фақат қурилиш бошқармасидагина эмас, балки 10-қурилиш трестида ҳам социалистик мусобақа ғолиблигини эгалладик ва трестнинг кўчма Қизил байроғини ҳамда биринчи даражали пул мукофотини олишга муваффақ бўлдик.

Лекин қурилиш бошқармамизнинг барча участка ва бригадаларида мусобақа воситасидан тўғри ва унумли фойдаланилмоқда, деб бўлмайди. Баъзи жойларда унинг аҳамиятига ҳамон етарли эътибор берилмаяпти, қурувчиларга мусобақа шартлари батафсил тушунтирилмаяпти.

КПСС XXIV съезди қарорларида қурилиш ишларини механизациялаштиришни тезлаштириш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бинобарин, фақат план бажарилиши кўзда тутилмасдан бундан кейин социалистик мусобақа шартларида қурилиш ишларини механизациялаш масаласи ҳам қатъий ўрин олиши керак. Ана шунда мусобақа янада яхшироқ наф берган бўлади.

3. Саккизинчи беш йилликка қандай ҳисса қўшдингиз?

Ўтган беш йиллик бригадамиз учун анча самарали бўлди. Боғбон эккан кўчати мевага тугса хурсанд бўлганидек, қурувчиларимиз ўз меҳнатлари билан бунёд бўлган ва ҳозирда шаҳримиз кўчаларини безаб турган муҳташам бинолар билан ҳақли равишда фахрланадилар. Ўтган беш йил ичида ўнлаб уй-жойлар, маданий-маиший ва жамоат биноларини қуриб фойдаланишга топширдик. Бригадамиз коллективи саккизинчи беш йиллик планни муддатидан қарийб тўрт ярим ой илгари уддалади. Бригаданинг бир аъзоси ва раҳбари сифатида қурилиш суръатини тезлаштириш, сифатини яхшилаш ва таннархини арзонлаштириш учун интилдим.

4. Тўққизинчи беш йилликка қандай режалар туздингиз? Шахсий беш йиллик планингизни қандай бажармоқчисиз? Нималар ҳисобига, қандай резервларингиз бор? Меҳнат унумдорлигини бундан ҳам кўтара оласизми?

Ўтган беш йилликда қўлга киритган ютуқларимизни, йўл қўйилган камчиликларни ҳисоб-китоб қилиб келгусидаги ишларимизни режалаб олдик. Биз тўққизинчи беш йилликни камида олти ой илгари ўринлатишга қарор қилдик.

Бу амалга ошириш мумкин бўлган ишдир. Янги типда биноларни қуришни ўтган йиллардагига қараганда анча дуруст ўзлаштириб олдик. Энг асосийси — техникадан унумли фойдаланадиган бўлиб боряпмиз.

Бизда тажрибали қурувчилар анчагина бор. Шунинг учун ёшларга икки-уч хил касбни ўргатишни йўлга қўйганмиз. «Бинокормисан, қурилишдаги ҳамма ишни бил!» Шу шиорни ўртага ташлаганмиз. Шу йилнинг ўзида Умар Усмонов, Абдулла Максудов, Жўрабой Насриддинов ва Мамат Халиловларга ғишт терувчилик касбларининг икир-чикирларини ўргатдим. Тажрибали қурувчилардан Камол Баҳритдинов, Жўрабой Умаров ва бошқалар ҳам ёшларга ўз касблари сирларини ўргатишмоқда.

5. Қандай муаммоларни ҳал қилишда, сизнингча, корхонангиз амалий ёрдамга муҳтож?

Областимизнинг ташкил қилинганига эндигина тўрт йил бўляпти, аҳолиси кун сайин кўпайиб боряпти. Буларнинг ҳар иккиси, айниқса учинчи сабаб — область марказини қайта қуриш ва ободонлаштириш масаласи қурилиш ишлари ҳажмини тез суръатлар билан кенгайтиришни талаб этади. Демак, бошқармамиз қурувчилари зиммасидаги масъулият янада ортади.

Афсуски, қурилиш ишлари ҳажмини кенгайтириш ва суръатини оширишда айрим сабаблар тўсқинлик қилиб қоляпти. Улардан энг каттаси — малакали қурувчилар, айниқса мутахассислар етишмаганлигида бўляпти. Мен бу гапни ёлғиз ўзимизнинг бошқармани назарда тутиб айтаётганим йўқ. Бу камчилик областдаги барча қурилиш ташкилотларида, хусусан Наманган шаҳрида кўзга яққолроқ ташланади. Областимизда қурувчилар тайёрлайдиган 23-ҳунар-техника мактабида кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар мавжуд. Чунончи, ўқувчи ёшларнинг кўпчилиги қишлоқлардан келган бўлиб, ўқишни битириб ўз жойларига қайтиб борганларидан сўнг бошқа ишлар билан банд бўлиб кетмоқдалар. Кейинги уч йил мобайнида қанчалик талаб қилмайлик, бригадамизга юқоридаги ҳунар мактабини битирган кадрлардан уч киши келиб қўшилди, холос.

Менингча областимиз қурилиш ташкилотларининг малакали кадрларга ҳамда мутахассисларга бўлган талабини тўла қондириш учун Наманганда Тошкент политехника институти қурилиш факультетининг филиалини очиш ва ҳунар мактабида қурувчи кадрлар тайёрлаш масаласини яхшироқ йўлга қўйишни ўйлаб кўриш пайти келди.

6. Корхонангизда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш даражаси шу куннинг талабига жавоб бера оладими? Уни яхшилаш имкониятлари ҳақида нима дея оласиз?

Бошқармамизда қурилиш ишларини уюштириш масаласи ёмон эмас. Белгиланган план-топшириқлар бажарилмоқда. Ярим йилда эришилган натижа дуруст бўлди. План ошириб бажарилмоқда.

Лекин бизда ҳали фойдаланилмасдан ётган резервлар ва имкониятлар анчагина бор. Қолаверса, қурилишни механизациялашга эътиборни кучайтириш керак.

7-8. Инсон ўз умрининг энг яхши қисмини меҳнатда ўтказади. Сизнинг ишхонангизда кунимсизликни тугатишга, иш шароитини яхшилашга қандай эътибор берилмоқда. Корхонангиз ишчиларининг турмуши, дам олиши, маншати қандай ташкил этилган? Ўз ишингиздан мамнунмисиз?

Меҳнат қилишни эрта бошлаганман. Умримнинг 43 йили қурилишда ўтди. 1928 йилда Наманган шаҳрида 23-ҳунар-техника мактаби янги очилганида биринчилар қатори ўқишга кириб битирганман. Бундан икки йил илгари мени иззат-икром билан пенсияга узатишди. Иттифоқ аҳамиятидаги пенсия тайинлашди. Олти ой бекор юриб жуда зерикдим. Ишга қайтариб олишларини илтимос қилдим.

Меҳр қўйиб, астойдил ишлаган одамни эл эъзозлайди. Мен ҳам меҳнат қилиб асло кам бўлмадим. 20 йилдан бери бригада бошлиғи бўлиб ишлайман. Партия ва ҳукумат меҳнатларимни юксак тақдирлади. Ленин ордени билан мукофотланганман Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олишга сазовор бўлганман. СССР Олий Советига депутат бўлиб сайланганман. Областимиздаги, ҳатто қўшни Андижон ва Фарғона областларидаги кўпчилик қурилиш ташкилотларига борсам, шогирдларимни учратаман. Шунинг учун учрашувларда, маросимларда, ёки оддий маслаҳат тариқасида ёшларга доим касбларини севишни, ҳалол ишлашни маслаҳат бераман.



ТОШКЕНТ ГРЭСининг сўнгги 12-блоки қуриб битказилмоқда. Ўнгда илғор қурувчи Абдурашид Қосимов. Чапда эса ГРЭСнинг юқори вольтли электр узатиш линиялари суратга олинган.

И. Глауберзон фотолари.

ХОНАДОНЛАРДА ИЛЬИЧ ЧИРОҚЛАРИ ПОРЛАЙВЕРСИН

*

ХАЛҚҚА — СЕРМАЗМУН ҚЎШИҚЛАР

*

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИНИНГ МЕҲМОНЛАРИ

САНЪАТ, АХЛОҚ ВА ТАРБИЯ

ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИМИЗГА ДОҒ ТУШМАСИН

Ўткир РАШИД.

Яна қўшиқ ҳақида гапиряпмиз. Бу ҳақда гапирмасдан иложимиз йўқ. Агар магазинда нон бирор кун узилиб қолса ёки унинг сифати бузилиб қолса, дарров гапирамиз. Бу узилиш ва бузилишнинг олдини оламиз. Чунки бу халқ эҳтиёжидир. Худди шунингдек, қўшиқ ҳам халқ эҳтиёжининг зарур бир тури. Инсон нонсиз тура олмаганидек, санъатсиз, қўшиқсиз ҳам яшай олмайди. Қўшиқ халқнинг маънавий, ғоявий ва эстетик озуғидир. Ҳар кун, ҳар соат қўшиқ тинглаймиз. Биргина Ўзбекистон радиосида бир кеча-кундузда 40 га яқин концерт берилади. Бундан ташқари саҳналарда, телевизор ва ҳаваскор труппалар томонидан бериладиган концертларчи? Тўйларда ва турли маросимларда ижро этилаётган қўшиқяллаларчи? Бу қўшиқлар кимнинг қулоғига чалинмайди дейсиз? Хўш, бу қўшиқлар ҳақида қўшиқ шинавандалари нималар деяптилар? Бу ҳақда тез-тез матбуотда ва баъзи йиғинларда анча-мунча гаплар айтилиб турибди. Ҳозирги қўшиқчилигимиз ҳақида яна гапиришимизга сабаб шуки, бир томондан қўшиқчилик санъатимизнинг ривожланаётганлигини айтиб севинчимизни билдириш бўлса, бир томондан бу санъатимизга доғ бўлиб тушаётган айрим иллатларнинг йўқотилмаётганидан шикоятимизни изҳор қилишдир.

Иқрор бўлиб айтиш мумкинки, санъатимизнинг ҳамма тармоқлари қатори қўшиқчилигимиз жанр эътибори билан ҳам, ғоявий ва бадиий савияси билан ҳам ўсиб, янгиланиб боряпти. Умуман айтганда ҳозирги замон қўшиқчилигимизнинг хурсанд қиладиган томонлари кўп. Лекин биз бу мақоламизда қўшиқчилик санъатимиз тиниқлигини бир четдан лойқалатиб турган иллатлар ҳақида гапирмоқчимиз. Хўш, бу иллатлар нима? Аввало, шуни айтиш керакки, қаерда, айниқса матбуотда кимнинг адресига, нима ҳақда ўринли бир гап айтилса, бу гапнинг ўз таъсири, натижаси бўлиши керак. Акс ҳолда бу ҳақ гапни менсимай унга амал қилмаган шахс ёки ташкилот жиддий айбланиши зарур. Қўшиқчилигимиздаги айрим ғоявий тутуриқсизлик, концерт программаларидаги тематик нуқсонлар ва айрим хонандаларимизнинг маданий савияларининг пастлиги ҳақида матбуотда кўпдан гапириб келинади. Бунга жавобан концерт ташкилотлари бу масалада айрим тадбирлар ҳам кўргандек бўлишади. Лекин даволанаётган бу «касаллик» яна қўзғаб, қўшиқчилигимиз табиатнинг бир томонини хира қилиб келаётганлиги жамоатчиликни ташвишлантирмоқда. Қўшиқчилик санъатимизга ёпишган бу «касаллик»ни қўзғатаётган айрим санъаткорлар адресларига айтилган гаплардан хулоса чиқариб олмаяптилар. Улар яна бебошлик билан ўзларининг ғоявий тутуриқсиз тарбиявий жиҳатдан бузук репертуарлари билан қўшиқчилигимизга доғ тушириб келяптилар. Уларнинг бу юқумли «касали» баъзи бир соғлом, таниқли санъаткорларимизга ҳам юқяпти. Улар бу «касаллик»ни саҳнага ҳам олиб чиқяптилар. Бундай санъаткорлар ўз номларига, обрўларига номуносиб қўшиқлари билан айниқса тўйларни «қизитяптилар». Тўй қўшиқсиз, музикасиз бўлмайди, албатта. Лекин, бу қўшиқлар ёшлар тарбиясига зарар етказадиган бўлмаслиги керак. Тўй ҳақида гапирганда шуни ҳам афсус билан айтиб ўтиш керакки, айрим санъаткорларнинг «қуюшқон»дан чиқиб кетишларига баъзан ўзимиз—тўй эгалари ҳам сабабчи бўляпмиз. Уларга катта маблағ ваъда қиламиз ва ўшанақа бемаъни папарлар айтилса ҳам бефарқ қараймиз. Мана шунақа репертуарларнинг саҳналарга чиқиб кетишига жойлардаги концерт программасининг муаллифлари ҳам йўл қўйиб беряптилар. Мана шу йўл қўйиш бундай «санъаткорлар»ни жамоатчилик кучини менсимасликка, жавобгарлик ҳиссини сезмасликка олиб келмоқда. Санъат — бу муқаддас даргоҳ. У маданиятсизликни, икки юзламачиликни, каллобликни ёқтирмайди. Чунки бу даргоҳда инсон тарбиявий, руҳий ва эстетик таълим олади. Қўшиқчилик санъатининг ижодий ходимлари: бастакорлар ҳам, қўшиқ ёзувчи шоирлар ҳам, хонандалар ҳам санъатимизнинг мана шу руҳий соғломлиги ва поклигини сақлашлари, унга доғ туширмасликлари керак. Бизнинг социалистик реализм ижодий методи асосидаги совет санъатимиз шуни тақозо қилади ва ҳар бир асарда реалистик ифода, революцион руҳ, замонавийлик ва партиявий нуқтаи-назарни — халқчилликни талаб қилади. Санъат ва адабиётимизнинг хоҳ катта, хоҳ кичик маҳсули, шу жумладан, қўшиқда ҳам мана шу талаб ва қоидалар мезондир. Лекин, юқорида айтганимиздек, қўшиқчилигимизга доғ тушираётган «санъаткор»лар яратган қўшиқларнинг музикасида ҳам, шеърида ҳам, ижросида ҳам бу талаб, бу мезон кўринмаяпти. Музика баъзан ўта ғамгин-йиғлоқи, сўз ғоявий жиҳатдан ғариб — пессимистик, хонанда ижроси эса қаландарона хонишдан — маддоҳликдан иборат бўляпти. Мана шунақа маддоҳ-қўшиқчилар ўз қўшиқлари билан тингловчини йиғлатишни асосий мақсад қилиб қўйганлар. Улар кишиларни йиғлатиш учун пайғамбарлар, азиз авлиеларни тилга оладилар ва шунақа мистик — яссавийона ғазалларни қидириб топадилар.

„У дунёма... у дунё роҳатин кўзланг, аё дўстлар,

Сиза жаннат ато қилғай, Муҳаммадин Расуллулло.

Бу қўшиқни Бешариқда гавжум бир чойхонада Ҳамзахон деган ёш бир хонанда ижро этяпти. Шуниси таажжубки ёш хонанда ижро этяпти. Айтишларига қараганда бу хонанда алла қайси ҳаваскорлик тўгарагини бошқарар эмиш. Хўш, бу ҳақда нима дейиш мумкин?

Мана шунақа «маддоҳлик» бандалари «ота-она» мавзусидан ҳам фойдаланадилар. Ота-она ҳақида кўпгина дуруст қўшиқларимиз бор. Лекин уларга тақлид қилиб яратилган айрим қўшиқларда ота-онанинг мавқеи, ҳурмати, қадри-қимматини самимий тасвирлашдан кўра, уларни қандайдир илоҳий бир кучга айлантириб қўйиб, кишиларни сиғинишга, йиғлатишга ҳаракат қилинади.

Бир елим пластинкада «Отамни кўрмадингму?» деган қўшиқ чиқибди. Бу қўшиқ Улуғ Ватан урушида бедарак кетган ота ҳақида марсия. Майли, марсия бўлсабўлсин, лекин бу қўшиқ ҳам «қаландарлик маҳсули». Куй мунгли, сўз ҳам кишиларни йиғлатишга қаратилган (бу шеърнинг бадиий савияси пастлиги ҳақида гапирмасак ҳам бўлади). Бу ғамгин байтлар орасида авлиёларга сиғиниш ҳам бор.

Поёни йўқ чўллар, саҳролар айтинг,
Узоқ-узоқ йўллар, дарёлар айтинг,
Раҳм айлаб азиз-авлиёлар, айтинг,
Айтинг, отамни кўрмадингизму!

Хўш, бу «хонанда»лар санъатимиз талабига тескари хизмат қилаётганликларини биладиларми? Ҳа, биладилар. Лекин уларни бошқа нарса қизиқтиради. «Қаландарлик» орқали ном чиқариш ва кўпроқ пул топиш. Мана шунақа хонандаларнинг пул кетидан қувишлари шу даражага бориб етдики, улар давлат ишини ҳам, томошабинни ҳам менсимайдиган, масъулият сезмайдиган эрка бўлиб қолдилар. Бундай «хонанда»лар саҳнада, телевизорда томошабинга кўринишдан, ҳатто яқин таниш-билиш ва қариндош-уруғларнинг маросимларига қатнашишдан кўра бегона тўйга бориб пул топишни афзал кўрадилар. Уларга одамгарчилик ва обрў эмас, пул керак. (Концерт афишаларида эълон қилинган хонандаларнинг ўша куни концертга келмай қолиши ҳаммага маълум бир ҳодиса).

Қўшиқчилигимизда сезилиб турадиган камчиликлардан бири унинг мавзу жиҳатдан талабга жавоб бера олмаётганлигидир. Социалистик қурилишимизнинг жуда кўп соҳалари, чунончи: ишчилар, хизматчилар, чорвадорлар, қурувчилар, фан, маориф ходимлари ва касб эгаларининг катта воқеа бўлаётган ишлари ҳақида яхши қўшиқларимиз йўқ. Бўлса ҳам жуда кам. Бу ҳақда қўшиқшеърлар эзилмаяптими? Йўқ, ёзиляпти. Бу шеърларнинг қўшиқ бўлиб парвоз қилишига севги мавзуи йўл бермаяпти. Баъзи хонандаларга бастакорларга севгидан ёки «қаландарлик»дан узоқроқ шеърни кўрсатсангиз, улар бурунларини жийирадиган бўлиб қолганлар. Севги мавзуи эса баъзи қўшиқларда шу қадар суиистеъмол қилиняптики, уларда севги шаблонлашиб ҳақорат қилиняпти ва одоб, ахлоқ чегарасидан чиқиб кетяпти. Шундай яланғоч севги қўшиқлари борки, уларни қизлар айтишга уяладилар. Баъзи севги қўшиқларида эса хонанда «ўлдим-куйдим» деб таърифлаган нозанин ёр ким эканлиги номаълум. У фақат ҳусндор. Ҳолбуки, инсонийлик фақат ҳусндан иборат эмас. Қўшиқчилигимиздаги бу мавҳумлик ва ғоясизлик классик шеъриятимизга ижодий муносабатда бўлмаслик ва унга кўр-кўрона тақлид натижасидир.

Бу айтилганлар ҳаммаси айрим санъат ходимларининг ғоявий савияларига бориб тақалади, санъатнинг тарбиявий вазифасини тушунмаётганликларига бориб тақалади. Бу эса санъатдаги жуда катта ғоявий нуқсондир. Санъатнинг тарбиявий роли ҳақида Аристотель шундай деган эди: «...санъат — музика киши руҳининг ахлоқий томонига маълум даражада таъсир кўрсатади. Бас, шундай экан, бу ёшларни тарбиялайдиган омиллар жумласидан саналиши керак». Санъат ҳақида жуда қадимда билдирилган бу фикрлардан ташқари ҳозир партия кўрсатмаларида, матбуотда санъат, адабиёт масалаларига бағишланган анжуманларда санъатимизнинг муваффақиятлари билан бирга унинг вазифалари уқтирилиб келинади. Наҳот биз кўзда тутган санъаткорлар уни тушунмасалар, бу санъатда ғирт саводсизлик эмасми? Яна бир хил саводсизлик айрим бастакорлар ва хонандаларнинг қўшиқ-шеърнинг маъносига тушунмасликларида кўринади. Шу натижада куй шеърга, шеър эса куйга мосланмайди. Хонандалар томонидан эса, қўшиқ шеъридаги баъзи сўзлар бошқа маъно англатадиган сўзлар билан алмаштирилиб, бузиб айтилади. Бундай нуқсонларни ҳаммага маълум қўшиқлар ижросида ҳам учратиш мумкин.

Қўшиқ тексти билан боғлиқ бўлган яна бир нуқсонни айтиш керакки, баъзи хонандалар ижросида қўшиқдаги сўз тингловчига бориб етмайди. Хонанда нима деяпти, бирорта сўз қулоққа чалинмайди. Қўшиқчилик санъати музика, сўз ва ижрочининг бирлигидан ташкил топади. Тингловчи қўшиқдаги шу уч манбадан баҳраманд бўлиши керак. Шундагина қўшиқнинг маъно ва эстетик таъсирчанлиги ошади. Бунга эътибор бермаслик қўшиқчиликда формализмга йўл қўйишдир.

Эстрада қўшиқчилигимиз ҳам ривожланяпти. Ўзбек эстрадаси мамлакатимиз бўйлаб ва хорижий юртларда катта шуҳрат қозоняпти. Лекин эстрада концертларидаги қўшиқларнинг мавзу доираси кўнгилдагидек эмас. Айрим ўзбек эстрада ансамблларида Ўзбекистон ҳақидагина эмас, бирорта ўзбек қўшиғи ҳам йўқ. Эстрадамиз чет эл эстрадаси репертуарлари мавзуига берилиб кетмасликлари керак.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўзбек филармонияси қошида халқ чолғу асбоблари оркестри ва хор капелласи мавжуд. Лекин уларнинг ижодий фаолиятлари томошабинларни унчалик қондиролмаяпти. Чунки улар томошабинга манзур бўладиган репертуарлар яратиш устида жиддий ўйламаётганга ўхшайдилар. Натижада бу ансамбллар ўз вазифаларини бажаролмай, қаерда концерт берсалар, бошқа ансамблдаги баъзи таниқли хонандаларни улардан олиб борадиган, тўғриси уларнинг «номи» билан яшайдиган бўлиб қолдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Республикада хор санъатини ривожлантириш тўғрисида» ва яна «Республикада театр ва музика санъатини ривожлантириш ҳақида» махсус қарорлар қабул қилган эди. Бу қарорлар ва кўрсатмалар қўшиқчилик санъатимизни яхшилаш ва янада ривожлантириш учун катта ғамхўрликдир. Лекин ана шу қарорда кўрсатилган айрим вазифалар ҳали бажарилаётгани йўқ. Шу қарорлар муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилари союзида махсус қўшиқ бюроси тузилган эди. Бу бюро ўз ишида активлик кўрсатмоқда.

Санъат — адабиёт муассасалари ва унинг барча ходимлари қўшиқчилик санъатимизнинг ривожи ва поклиги учун курашмоқлари керак. Бу замонамиз ва халқимиз талабидир.

НОЁБ СУРАТ

НАМАНГАН, 30-йилларда «Комсомолец Востока» (ҳозирги) «Комсомолец Узбекистана» газетасида ишлаган тошкентлик журналист Александр Ипатович Бочкарев шахсий архивида сақланаётган бир суратни яқинда «Наманган ҳақиқати» газетаси редакциясига совға қилди. Сурат Наманган тарихига даҳлдор бўлиб, унда комсомол-ёшлар меҳнат фаолияти акс эттирилган эди.

...Маълумки, 1930 йилда бутун мамлакат бўйлаб қишлоқ ёшлари ўртасида техникани эгаллаш борасида Бутуниттифоқ мусобақаси ўтказилганди. Унинг якунида наманганлик ёшлар ғолиб чиққан эдилар. Ўшанда ВЛКСМ Марказий Комитети «Сталинград» тракторининг 5 мингинчисини Наманган МТСига беришга қарор қилганди. Трактор 1931 йил 3 июль куни махсус вагонда Наманганга келтирилган.

Ноёб суратда ана шу тракторнинг қабул қилиб олинишига бағишланган митинг тасвирланган.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОТА-ОНАЛАР, СИЗЛАР УЧУН

БОЛАНГИЗ МАКТАБГА БОРАДИ

Шу кунларда болангиз қалбида не хаёллар кечаётганини билсангиз эди? Ҳа, болангиз мактабга бориш ҳақида тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолди. Унинг орзиқиб кутаётган кунлари тобора яқинлашмоқда.

Олти ёшли болаларни ўқишга тайёрлаш борасида Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-текшириш институти мактаблар қошида махсус тайёрлаш группаларини ташкил этиб, жуда фойдали иш қилди. Шу жумладан Тошкент шаҳридаги 99, 113-мактаблар, Намангандаги 7, Фарғонадаги 1, Самарқанд область Оқдарё районидаги 76, Андижон районидаги 17, Чирчиқ шаҳридаги 44-мактабларда болага биринчи синфга боргунга қадар она тили ўргатилади ва унинг нутқи ўстирилади, математика фанидан дастлабки тасаввур ҳосил қилинади, у тасвирий санъат, музика, меҳнат ва жисмоний тарбиядан элементар тушунчаларга эга бўлади. Лекин ота-оналар, болам тайёрлов группаларига қатнайди, энди биринчи синфда муваффақиятли ўқиб кетади, деб бепарво юрмасликлари керак.

Бола биринчи синфга ўқишга борганда, дастлабки ўқиш кунларидан бошлаб унинг олдига анчагина мураккаб талаблар қўйилади. Бошланғич синфларда уч йиллик таълим системаси талабларининг кўп қисмини боланинг мустақил ўқиши ва ишлаши орқалигина амалга ошириш мумкинлигини тажриба ва кузатишлар кўрсатди. Бола вазифаларни ўқитувчи ёки оилада катталар ёрдамида эмас, балки ўзи мустақил фикрлаб, бажара олишига эришиш учун ўқиш бошлангунга қадар ота-она болани бундай мураккаб ишларга психологик томондан тайёрлашлари, жисмоний томондан чиниқтиришлари лозим.

Шу кунларда болага ўқишга борадиган мактаби, ўқитувчиси ҳақида ҳурмат-эътибор билан сўзлаб бериш, келгусида бола ҳаётида юз берадиган ўзгаришлар: мактабга боргач яхши ўқиб кета олиши, бунинг учун ҳозирдан бошлаб эрта туриши, жисмоний машқлар бажариши, озода ва тартибли юриши, рангли, расмли китобларни кўриб, унда кўрганларини сўзлаб бериши зарурлиги ҳақида аста-секин тушунча бериб бориш керак.

Етти ёшли бола ҳали ғўр, содда ва тақлидчан бўлади. У нимани кўрса, шунга тақлид қилади, яъни оилада ота-онанинг хушмуомаласи, саранжом-саришталиги ва меҳнатсеварлиги бола учун ибрат бўлса, мактабда эса ўқитувчи унинг учун ягона намуна ҳисобланади.

Шу кунларда ота-она ўз фарзанди учун керакли ўқув қуроллари, дарс тайёрлайдиган жой, кийим-кечакларнинг барчасини ҳозирласа, буни кўрган бола ҳам ўз олдида мураккаб вазифа турганини ҳис эта бошлайди. Ота-онанинг бу ҳаракатларини, яъни унинг ўқиши, илм олишига қилинаётган бу ғамхўрликка жавобан ишлар қилиш туйғуси уйғонади. Худди ана шу сезилмас туйғу боланинг келажакда яхши одам бўлиб етишишига, ўзига ҳам, ота-онасига ҳам ҳузур-ҳаловат келтиришига асос бўлади. Аксинча, ҳа, болам мактабга боргач, ўқитувчининг ўзи одам қилаб олар, деган хаёл билан фарзандини ҳеч қандай тайёргарликсиз мактабга йўллаган ота-она эса катта хатога йўл қўяди. Биргина ўқитувчи ёки мактаб коллективи ота-онасиз мураккаб ишларни муваффақиятли амалга ошириши мумкин эмас.

Бола мактабга келгач, дастлабки кундан бошлаб уйга топшириқ олади. Бу ўқувчининг шу кунги ўтилган дарсини мустаҳкамлаши ва илм олишга кўникма ҳосил қилиши учун зарур тадбирдир. Табиийки, бола бундай топшириқларни мустақил равишда бажаришга биринчи кунларда қийналиши турган гап. У бундай вақтда гоҳо хўрсинади, йиғлайди ҳам. Шунда ота-она дарҳол тушкунликка тушмай, болага «зеҳнинг паст, ҳеч нарсани билмайсан» деб таъна қилиб, койимасдан, балки сабр-бардош, ирода билан болага ёрдамлашиши, унда ўқишга ишонч ҳосил қилишлари, озгина ютуғини топиб, рағбатлантиришлари зарур. Шундагина бола ўзини тутиб олади, кейинчалик у мустақил равишда дарс тайёрлай оладиган бўлади.

Бу масалалар жуда майда кўринса-да, улар заминида фарзандингизнинг келажаги, тўғри ўсиши, улғайиши, камол топиши ётади. Ҳаммамизнинг ҳам ягона мақсадимиз — болаларни жамиятимизга арзигули инсон қилиб етиштиришдир. Бунинг учун бор имкониятимиздан фойдаланишимиз, уларнинг ўқиши ва илм олишига етарли шароит яратишимиз зарур.

Қ. АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг лаборатория мудири, педагогика фанлари кандидати.

МАШИНАЛАР СТАРТ КУТМОҚДА

Дарвоза пештоқига «Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхознинг машина-трактор парки», деб ёзиб қўйилган. Катта ҳовлига киришингиз биланоқ бири-биридан ҳушбичим, сарвқомат биноларга кўзингиз тушади. Булар — колхоз бош инженерининг кабинети, чойхона, ошхона, бильярдхона... Тушги овқат пайти эмасми, икки киши бильярд ўйнаяпти. Кўпчилик томошабин... Ошхонада одамлар сийраклашиб қолган. Чойхонада эса катта самовар шақир-шуқур қайнаб ётибди. Чой устида девор қулатадиган кулги кўтарилди. Бу, одамларнинг кайфияти чоғ эканлигидан далолат бериб турарди.

Дам ўтмай занг чалингандай, ҳамма ўрнидан туриб, устахонага йўл олди. Биз ҳам беихтиёр уларга эргашдик.

Кенг ва ёруғ устахона... Электр пайвандлаш ва токарлик цехларида ҳаёт қайнайди. Махсус иш кийимлари бўй-бастига ярашиб тушган йигитларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бири болт йўнаяпти, иккинчиси гайка тайёрлаяпти. Яна бири электр нурларини чақнатиб, симларни чирсиллатиб улаяпти. Ҳу нарида олмосдек ярқираб турган трактор плугининг тишлари пешланмоқда. Ўрта йўлакдаги кранга боғланиб осиб қўйилган тракторни икки-уч киши тузатяпти.

— Ҳадемай бу трактор ҳам тайёр бўлади. Бизда техниканинг ҳаммаси анави дарвозадан ремонтга кириб, наригисидан созланиб чиқиб кетаверади. Конвейер усули дегани шу! — дейди колхознинг бош инженери Тян Палладий Афанасьевич устахонанинг икки тарафидаги дарвозаларга ишора қилиб. — Ҳу анави бостирмада қатор турган пахта териш машиналари ҳам шу ерда ремонтдан чиққан.

Бостирмада саф тортиб турган 37 та девқомат терим агрегатлари ярақлайди. Бари зангори рангда. Ҳаммаси худди бугун-эрта кураш тушадиган полвонлардек шай бўлиб турибди. Тағин бир неча кундан сўнг мардлар кураши бошланади. Дала маликаси — Пахтаой миллионларни ўзига мафтун этади.

Колхоз устахонасидаги қайноқ меҳнатдан бир шингили бу. Хўжаликда мавжуд бўлган 37 та терим машинасининг ҳаммаси июль ойидаёқ ремонтдан чиқариб бўлинди. Ҳар эҳтимолга қарши кўрикдан ҳам ўтказилди. Бу агрегатлар махсус механизаторлар томонидан ремонт қилинди. Механик Турсунбой Аҳмедов раҳбарлигида Расул Полсаидов, Тошпўлат Ҳусанов, Тошканбой Тожиматов ўртоқлар яхши ишлашди. Кўсак чувиш, кўрак териш, тўкилган пахталарни терадиган машиналар ҳам 1 августга қадар ремонт қилиб бўлинди. Машиналарнинг эгалари эса ҳозир далада, ғўза парвариши билан банд. Терим бошланишига бонг урилганида «пўлат от» чавандозлари пахтазорда жавлон ура бошлашади.

Колхозда терим машиналарига, умуман, техникага одамларнинг ихлоси катта. Техникадан унумли фойдаланилганлиги туфайли 1300 гектар майдонда мўл-кўл ҳосил етиштирилди. Улар бу йил гектаридан 32 центнердан «оқ олтин» олишга аҳд қилишган. Даладаги ҳосил мажбуриятдагидан ҳам кўпроқ. Энди гап уни нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олишда қолган. Бунинг энг муҳим омили — техника. Бу йил колхоз давлатга 4160 тонна пахта сотмоқчи. Бунинг 80 проценти пўлат этаклардан тўкилади. «Зангори кема»лар зиммасига ҳосилнинг асосий қисмини териш юкланар экан, бу — теримни узоғи билан 20-25 иш кунида тугаллаш, деган сўз. Бунинг учун ҳамма нарса тахт.

Дефолиацияни вақтида ва сифатли ўтказиш ҳам машина теримини тезлаштиради. Шунга кўра ҳар туп ғўзада ўртача иккита кўсак очилганида дефолиация бошланади. Дефолиантлар тайёр.

Йиғим-терим мавсумида учта кўчма устахона ишлайди. Устахоналар эҳтиёт қисмлар билан таъминланади. Техниканинг жорий ремонти бевосита дала бошида ўтказилади. Агрегатларнинг сабабсиз тўхтаб қолишига йўл қўйилмайди. Бундан ташқари 15 та юк автомашинаси ва 40 та прицеп пахта ташийди. Бу техника ҳам пахта теримига шай.

Колхоз правленияси ва партия ташкилотининг қарорига кўра терим илғорлари рағбатлантириб борилади. Мавсум давомида барча механизатор, шофер ва прицепчиларга 30 процент қўшимча ҳақ тўланади. Мусобақада ғолиб чиққанларни тақдирлаш учун учта кўчма вимпель таъсис этилди. Вимпель ҳар беш кунда мукофот пули билан бирга берилади.

Бу йилги ҳосилнинг талай қисми машиналарда терилади, дедик. Бунда механизаторлар катта роль ўйнайди. Илғор механик-ҳайдовчилардан Убайдулла Абдуллаев, Икром Тожиматов, Кўкен Бейсенов, Тошпўлат Дилмонов, Муҳаммаджон Порсиев, Мажид Оқбоев сингари дала гвардиячилари «ХВС-1,2» маркали икки қаторли агрегатлар билан 100-120 тоннадан пахта териш мажбуриятини олишди. «Пўлат от» жиловкорлари машиналарни икки сменада ишлатадилар. Тонг шудринг тушгунча пахтазорда «зангори кема»ларнинг чироқлари ўчмайди.

Шу кунларда катта-катта пайкалларда мўл-кўл «оқ олтин» яратиляпти, ҳосилга ҳосил қўшиляпти. Сувчилар «шарбат» оқизиб, механизаторлар сифатли культивация қилиб, кўсакларнинг янада тезлироқ бўлиши учун курашмоқдалар. Шпинделларга хас-чўп илинмаслиги, пахтанинг сифати бузилмаслиги учун колхоздаги ёшу-қари ҳамма-ҳамма эгат оралаб бегона ўтларни юлиб ташлаяпти. Бу ишлар Қўнисбой Йўлдошев, Қўчқор Рисқиев, Бердиқул Турдиқулов, Ғафур Абдураҳмонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда айниқса яхши ташкил этилган.

Ҳа, Охунбобоев номли колхозда бўлсангиз ижодий меҳнат бамисоли булоқдай жўш ураётганлигини кўриб дилдан қувонасиз. Бу ерда ғўза парваришини бирор дақиқа ҳам бўшаштирмасдан ҳосил йиғим-теримига тараддуд кўрилмоқда. Ҳадемай катта маърака бошланиб кетади.

Ю. ЗИЕДОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ВЕТЕРАНЛАРИ— ВИСТАВКА МЕҲМОНЛАРИ

Неча минглаб кишилар — москваликлар ва пойтахт меҳмонлари, чет эл туристлари ва делегациялари, жуда кўп экскурсиячилар СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасига ҳар куни келиб турибдилар. СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида 23 августда Ўзбекистондаги колхоз ва совхоз қурилишининг ветеранлари қабул қилинди. Улар мажлислар залида виставка томошабинлари билан учрашдилар. Ветеранлар орасида колхоз ва совхозлар тарихи жамоатчилик институти совети раисининг ўринбосари Г. Йўлдошев, Андижон областидаги «Ленинизм» колхози аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Б. Ражапов ва бошқалар бор эди.

Ветеранлар экскурсиячиларга Ўзбекистондаги буюк ўзгаришлар ҳақида сўзлаб бердилар. Улар ана шу ўзгаришларнинг бунёдкорлари ва шоҳидлари бўлганлар.

СПОРТ янгиликлари

БИРИНЧИЛИК ИШТИЁҚИДА

Урта Осиё ва Қозоғистон ёш теннисчилари кубоги учун мусобақалар давом этмоқда. Маҳоратли ёшларнинг бундай катта учрашувлари Тошкентда биринчи марта ўтказиляпти. Унда 16 истеъдодли йигит-қиз шахсий биринчилик учун астойдил куч синашяпти. Бундай мусобақа уларга маҳорат ва қобилиятларини яна бир синаб кўриш, катта мусобақаларда қатнашиш масъулиятини ўрганиш учун жуда қулай тадбир бўлди.

Тошкентдаги «Динамо» теннис стадионида биринчи бўлиб Қозоғистон ва Узбекистон-2 командалари учрашдилар. Меҳмонлар 26-14 ҳисобида ғолиб чиқдилар. Кейинги сафарги мусобақада Узбекистон-1 ва Қозоғистон терма командалари ўйнаб, 5:3 ҳисобидаги натижага эришдилар. Дастлабки натижалар бўйича Узбекистон-1 командаси биринчи ўринда бормоқда. Қозоғистон иккинчи ўринда ва Узбекистон-2 командаси учинчи ўринда. Энди теннисчиларнинг шахсий биринчилик мусобақалари бошланди.

ҚИЗҒИН УЧРАШУВЛАР

«Меҳнат резервлари» спорт жамияти кўплаб маҳоратли кишиларни етиштириб чиқарган. Утган ҳафтада Тошкентдаги «Ешлик» спорт манежида шу жамиятнинг энг кучли боксчилари биринчилиги учун мусобақалар бошлаб юборилган эди. Мусобақаларда Москва, Ленинград шаҳарлари ва иттифоқдош республикалардан ҳаммаси бўлиб 130 спортчи иштирок этмоқда. Улар чемпионлик ва мукофотли ўринларни олиш ҳаракатида.

Боксчиларнинг учрашувларида қизғин воқеалар кўп бўлди. Чорак финал мусобақалари ҳам тугаб, олтин медаль учун кураш бошланди.

ЖОЙ БЕЛГИЛАНМОҚДА

Утган куни шахмат бўйича жаҳон чемпиони Борис Спасский билан халқаро шахмат федерациясининг вице президенти Борис Родионов Канадага жўнаб кетдилар. Улар федарациянинг Ванкувер шаҳрида бўладиган навбатдаги конгрессида қатнашадилар. Конгрессда кўп масалалар қатори жаҳон биринчилигига даъвогар гроссмейстерлар Тигран Петросян билан Роберт Фишер ўртасидаги финал мусобақани ўтказиш жойи ва муддати ҳақидаги масала муҳокама қилинади.

ХОККЕЙ МАВСУМИ

Берлиндан хабар олинди. Бу ерда хоккей мавсуми бошлаб юборилди. Берлинда ўтаётган анъанавий халқаро турнирда Москванинг динамочилари ҳам иштирок этмоқдалар. Москваликлар ҳалитдан икки ютуқни қўлга киритдилар. Улар Германия Демократик Республикаси Вайсвассер шаҳрининг динамочилари устидан 5:3 ҳисобида ғалабага эришдилар. Чехословакиянинг «Дукли» командасини 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

СОВРИНДОР

Ун-ўн икки ёшли болалар командалари ўртасида ўтказилган Бутуниттифоқ турнири якунланди. Бу йилги мусобақаларда «Чарм тўп» клуби совринини қўлга киритиш шимолий осетиялик ёш футболчиларга насиб этди. Бош соврин эгаси бўлган «Рубин» командаси ўйинчилари ҳал қилувчи курашда арманистонлик тенгдошлари билан беллашиб, қўшимча ўн минутлик вақтда 3:2 ҳисобида ғалабага эриша олдилар.

ЎЛКАМИЗ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ

УЗУМ ҒАРҚ ПИШДИ

Бу ўлкада ҳар нарса бордир,
Кўрмаганлар доим хуморди...

[Ҳамид ОЛИМЖОН].

Шоир таърифлаганича бор. Серқуёш республикамизнинг олтин тупроғида нималар битмайди дейсиз! Оқсоколли Помир чўққиларидек басавлат пахта хирмонимиз қуёш билан мудом сўзлашиб тургандай... Сўлим боғ-роғларимизни айтмайсизми! Етти иқлимда нимаики бино бўлса, нимаики машҳур ва манзур бўлса ҳаммаси бор бизда. Токзорлардан шарбат оқади. Келинбармоқ, тилларанг ҳусайни шапалоқ-шапалоқ япроқлар орасидан ишва билан нигоҳ ташлайди.

Токзорларда узумлар ғуж-ғуж... Ишкомларда қуёш жилваси... Шарбатга тўлиб, сап-сариқ бўлиб узум ғарқ пишди, ҳусайни-ю-ҳасайнининг, бувакинг-ю, мускатнинг, тоифи-чароснинг ҳар донаси оғзингизда бамисоли болдек эриб кетади, шираси тилингизни ёради.

Ўлкамизда авжи пишиқчилик. Токзорларда ҳаёт қайнайди. Соҳибжамол қизларимиз, сулув келинчаклар, саховатли соҳибкор қуёшдан ҳам барвақт туриб саҳарда узум узади, саватларга жойлаб шаҳарга жўнатади. Ҳар саҳар, ҳар сафар шундай! Эрталабки нонушта узум билан тотли...

Бу йил республикамиз токзорларида 235 минг тонна ширин-шакар узумлар етиштирилади. Шунча ҳосилнинг 190 минг тоннаси деҳқоннинг қадрдон дўсти — ишчилар дастурхонига тортиқ қилинади. Боғларда, токзорларда бўлсангиз узум ортган карвонларни учратасиз. Ҳа, улар шаҳарга шошилишяпти.

Калинин районидаги «Ленин йўли» колхозида ҳам узум ғарқ пишди. Ҳар гектар ердаги токзордан 20 тоннадан ҳосил олиняпти. Бу, планданига қараганда гектар бошига 6 тоннадан кўп демакдир. Сиз суратда кўриб турган боғбон қиз Ражабова кунига 600 килограммдан узум узиб, эл дастурхонига туҳфа қиляпти. Колхоздан шаҳарга ҳар куни сават-сават узум ортган машиналар келиб турибди.

Паркент узуми, Каттақўрғон кишмиши, Самарқанд соякиси, қўйингки, шивилғонидан тортиб бувакигача, ҳамма-ҳаммаси коммунизм дастурхонига файз, қут-барака киритяпти. Серқуёш Ўзбекистонимиз ширин-шарбат узумлари билан тилларда достон.

Танга роҳат, белга қувват, дилга ором бахш этувчи ана шундай узумларни етиштирган соҳибкорларнинг қўли дард кўрмасин!



ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА, 19.00 — ТОШКЕНТ. **Узбек тилида:** 19.05 — Рангли телевидение. Фотиманинг саргузашти (қўғирчоқ театри), 19.40 — Ахборот (рус тилида), 19.55 — Съезддан-съездгача, 1970 йил, 20.45 — Ахборот, 21.00 — Ўзбекистон чорвадори, 21.30 — Муқимий номли музикали театр спектаклларидан саҳналар. 22.45 — **Сўнгги пушаймон** (бадиий фильм), 24.00 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — ТОШКЕНТ, 18.00 — Кинофильм. **Рус тилида:** 18.20 — Адабий композиция, 18.45 — Реклама, 19.00 — МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ТОШКЕНТ. **Узбек тилида:** кинофильм. 18.30 — **Саҳий одамлар** (бадиий фильм), 19.50 — Врач маслаҳати. **Рус тилида:** 20.05 — **Стюардесса** (телевизион бадиий фильм), 20.40 — Кинокўрсатув, 22.00 — **Галина Уланова** (ҳужжатли фильм).

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26/VIII да **Катта концерт**, 27/VIII да **Мавлоно Муқимий.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Аннанинг бахти — «ЎЗБЕКИСТОН», «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Тасодифий муҳаббат — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун). «МОСКВА» (эрталаб соат 11.40 минут, кундуз соат 3 ярим, 5 ярим ва 7 яримда).

Уғирланган поезд — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ҲАМЗА» (кундуз ва кечқурун).

Комиссарлар (эрталаб соат 11, кундуз 3 ва кеч соат 8.45 минут, 10 яримда), **Шер ҳамлага ҳозирланмоқда** (кундуз соат 1, 5 ва кеч соат 7 да) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ».

Бойқуш тунда пайдо бўлади (кундуз соат 12, 4 ва кеч соат 9.45 минутда), **Агентнинг тугатилиши** (тоқ соатларда) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Бўтакўз (эрталаб соат 10, 11.40 минут, кундуз соат 3.20 минут, кеч соат 6.40 минут ва 10 да), **Жаннатдан қувилганлар** (кундуз соат 1 ярим, 5 ва кеч соат 8.20 минутда, ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли.

Менинг охирги тангоим — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Утган ёз — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 8 ва 10 да).

ЁЗГИ БИНОДА

Тасодифий муҳаббат — «ФЕСТИВАЛЬ».

Уғирланган поезд — «ХИВА», **Ҳамроз** — ТЕЛЬМАН номли. **Кунгабоқар** — НАВОИЙ номли.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: даволаш факультетининг госпитал терапияси, даволаш факультетининг факультет терапияси, тери-венерология касалликлари, паталогик физиология, даволаш физкультураси билан физиотерапия, урология, даволаш факультетининг акушерлик генекологияси (профессорлар фан докторлари);

физика (фан доктори, фан кандидати), **чет тиллар, жисмоний тарбия врач назорати билан** (доцентлар, фан кандидатлари):

кафедра профессорлари: медицина тарихи билан соғликни сақлашни ташкил қилиш ва социал гигиена (медицина тарихи курси бўйича), урология (профессорлар, фан докторлари).

Конкурс муддати эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.

Ҳужжатлар — Тошкент-33, К. Маркс кўчаси, 103-уйга юборилсин.

ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРДА

ҲИНДИСТОН КОМПАРТИЯСИ МИЛЛИЙ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

ДЕҲЛИ. Деҳлида Ҳиндистон Коммунистик партияси миллий кенгашининг сессияси тамом бўлди. Сессия қатнашчилари партиянинг 3 октябрда Кочинда (Керала штати) очиладиган IX съезди муҳокамасига тақдим этилган ҳужжатларни тайёрлашга катта эътибор бердилар. Сиёсий резолюция, халқаро аҳвол, жаҳон коммунистик ҳаракати ва Ҳиндистон коммунистик партиясининг вазифалари тўғрисидаги доклад, сиёсий доклад ва ташкилий масалалар юзасидан доклад лойиҳалари маъқулланди.

Сессия қатнашчилари ўз нутқларида мамлакатдаги барча демократик ва сўл кучлар бирлигига эришиш ғоят зарур эканлигини таъкидладилар.

Ҳиндистон Коммунистик партияси миллий кенгаши сессиясининг қатнашчилари СССР билан Ҳиндистон ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида яқинда имзоланган Шартномага катта эътибор бердилар. Миллий кенгаш қабул қилган махсус резолюцияда қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: Совет—Ҳиндистон Шартномаси ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришда тарихий босқич бўлибгина қолмай, балки Осиёда тинчлик ва тараққиёт таянчи, умумий тинчликни таъминлашга қўшилган катта ҳисса ҳамдир. Бу Шартноманинг имзоланиши, дейилади резолюцияда, Ленин васият қилиб қолдирган йўлни изчиллик билан ўтказиб келаётган Совет Иттифоқи миллий озодлик, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашаётган барча кишиларнинг содиқ ва вафодор дўсти эканлигини яна бир марта тасдиқлади.

ГДАНЬСКДА «ЛЕНИНГРАД» УЙЛАРИ

ВАРШАВА. Тўққиз қаватли иккита уй учун керакли бинокорлик материаллари Гданьскдаги янги «Приморье» уй-жой массиви қурилиши майдонига келтирилди. Бу — ленинградликларнинг Гданьск аҳолисига туҳфасидир. Гданьскдаги кемасозлар ва порт ходимларининг беш юздан ортиқ оиласи шу йилнинг ўзидаёқ «Ленинград» уйларига жойлаштирилади.

Бинокорлар бу уйларни зарбдор суръатлар билан қуриш ва муддатидан илгари фойдаланишга топширишга аҳд қилдилар.

Қардош Гданьск ва Ленинград шаҳарлари доим дўстона алоқа боғлаб келмоқдалар. Ана шу шаҳарлар турли делегация ва туристларининг бир-бирига сафарлари, ишлаб чиқариш тажрибасини айирбошлаш, бир-бирига яқин корхоналар коллективларининг мусобақаси анъана бўлиб қолди. (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

НЬЮ-ЙОРК, 24 август. Америка авиацияси Вьетнамдаги ҳаво урушини кучайтирмоқда. АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари 23 августда, деб хабар беради ЮПИ агентлиги, Вьетнам Демократик Республикасининг 17-параллелдан шимолда жойлашган районларига ҳужум қилди. Американинг «В-52» типидаги стратегик бомбардимончи самолётлари ўша куни демилитарлаштирилган зонадаги районларга ва Жанубий Вьетнамнинг шимолий районларига ҳужум қилди.

ГАВАНА, 24 август. Куба енгил саноати корхоналари йилнинг биринчи ярмида 45 миллион донадан кўпроқ газлама тайёрлади. Республикада шу йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида ишлаб чиқарилган газлама ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 15,6 процент кўпайди. Экономиканинг шу соҳасида Куба Компартияси ва ҳукумати томонидан белгиланган ишлаб чиқариш планлари тўла бажарилди.

(ТАСС).

ГРАЖДАН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ИРЛАНДИЯНИ БИРЛАШТИРИШ УЧУН

ЛОНДОН, 24 август. ТАСС мухбири О. Осипов хабар беради:

Парламентдаги лейбористлар оппозицияси ва инглиз жамоатчилиги Ольстердаги аҳволни муҳокама қилмоқ учун каникулга чиқарилган парламентни чақиришни талаб этган эди. Англия бош министри Хит бу талабни расмий суратда рад этди. Уайтхолл Шимолий Ирландияда ҳарбий кучлар ёрдами билан «тинчлик ва тартиб»ни тиклаш соҳасидаги илгари қабул қилган йўлини қайсарлик билан давом эттирмоқда. У Британия қўшинларининг ваҳшиёна репрессиялари ўз олдига қўйилган мақсадларга эриштира олмаслигини ва репрессиялар Ольстердаги вазиятни янада кескинлаштириши мумкин эканлигини эътиборга олишни истамаяпти.

Консерваторлар ҳукумати Ольстердаги аҳволни парламентда муҳокама қилишдан бош тортганлиги сабабли Шимолий Ирландияда граждандлик ҳуқуқлари берилиши учун курашувчи ташкилот барча ирландияликларга мурожаат қилди ва уларни маъмурларни бойкот қилиш кампаниясини кучайтиришга даъват этди. Бу кампания «хавфсизлик кучлари»нинг ваҳшиёна репрессияларига қарши норозилик билдириш шиори остида ўтказилмоқда.

Бу кампанияни ўтказиш методларини муҳокама қилмоқ учун Шимолий Ирландия делегацияси Ирландия республикасининг пойтахти Дублинга келди. Ольстер Стормоти (парламенти)нинг кафилга қамоқдан озод қилинган аъзолари Ж. Хьюм ва И. Купер делегацияга бошчилик қилади.

Делегация Ирландия республикасининг бош министри Ж. Линч ва унинг ҳукумати аъзолари билан учрашди.

Учрашувдан кейин эълон қилинган қўшма баёнотда қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: Шимолий Ирландиянинг бутун аҳолисига, унинг сиёсий қарашлари ва динига қарамай, тенг ҳуқуқлар берилиши керак ва ана шу яқин мақсадни амалга ошириш учун кураш Ирландия халқи ғоят кўпчилигининг Англия томонидан қасддан бўлиб юборилган мамлакатни бирлаштиришдан иборат орзу-тилакларини амалга ошириш йўлидаги кураш билан боғлаб олиб борилиши лозим.

Агентликларнинг хабар беришича, бугун Ирландия республикаси ҳукуматининг махсус мажлиси ўтказилади. Бу мажлисда Ольстердаги аҳвол ва бу ерда гражданларнинг маъмурларга бўйсунмаслик юзасидан кенгайиб бораётган ҳаракатига ёрдам бериш масаласи муҳокама қилинади.

ҚАМАЛ БАРБОД БЎЛДИ

Ташқи ишлар министри Рауль Роа бошчилигидаги Куба делегацияси расмий визит билан келиб Чилида меҳмон бўлиб турибди. Сантягода уни президент Сальвадор Альенде қабул қилиб, дўстона суҳбатлашди. У ташқи ишлар министри К. Алмейда ва Чилининг бошқа арбоблари билан ҳам учрашди. Сантягодаги давлат техника университети Роага докторлик унвонини берди ва фахрий диплом топширди.

Революцион Кубага қилинаётган мана шу илтифот ва ҳурматларнинг ҳаммаси Куба — Чили муносабатлари муваффақиятли ривожланаётганлигидан яққол далолат бериб турибди. Бу муносабатларнинг муваффақиятли ривожланишига ташқи ишлар министри К. Альмейда бошчилигидаги Чили ҳукумат делегациясининг яқинда Гаванага қилган визити негиз солган эди. Чили Куба билан дўстона муносабатлар ўрнатиб ва уни муваффақиятли ривожлантириб, Кубага қарши жазо чоралари кўриш тўғрисида бундан етти йил аввал Қўшма Штатларнинг тазйиқи остида Америка давлатлари ташкилоти қабул қилган шармандали қарорга абадий чек қўйди.

Вашингтоннинг «катта таёқ» сиёсати қоқилиб қолди. Қўшма Штатлар Америка давлатлар ташкилотида ўзи хоҳлаган қарорини қабул қилдириб олиб, революцион Кубани яккалаб қўя оламиз деб ўйлаган эди. Бироқ Куба яккаланиб қолмади. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар Кубага ёрдам бериб турганлиги туфайли АҚШнинг иқтисодий қамали самарасиз бўлиб чиқди. Кубаликлар мана шу социалистик мамлакатлар ёрдами билан социализм қуришда катта муваффақиятларга эришдилар, ўз ерининг хўжайини бўлиб қолган халқ нималарга қодир эканлигини бутун дунёга намойиш қилдилар.

Қўшма Штатлар тўсқинлик қилишга ҳарқанча уринган бўлсалар ҳам, аммо Кубанинг намунаси Латин Америкасидаги бошқа мамлакатларга катта таъсир ўтказди. Кейинги вақтларда Чили, Перу ва Боливияда рўй берган воқеалар кенг халқ оммасининг мустақил ривожланишга интилаётганлигини акс эттирди. Шу давлатларнинг ҳукуматлари ўз мамлакатларининг табиий бойликларини Америка монополиялари қўлида қолдирмаймиз, табиий бойликларни ўзимиз тасарруф қилиш ниятидамиз, деб очиқ айтдилар.

АҚШнинг хўжайинлик қилишига кескин равишда қарши чиқаётган икки мамлакатнинг, яъни Куба билан Чилининг мустаҳкамланиб бораётган дўстлиги Латин Америкасидаги барча мамлакатларнинг халқларини миллий-иқтисодий мустақиллик учун курашни кучайтиришга руҳлантирмоқда.

(ТАСС).

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

ҚАНОТЛИ ҚЎШИҚЛАР

Шу кунларда қуёшли диёримизда Украина республикасининг Ворошиловград области эстрада ансамбли меҳмон бўлиб турибди. Пойтахтимиз саҳналарида украин куй, тароналари янграмоқда.

Украиналик бу ёш коллектив ташкил топганига ҳали кўп вақт бўлмасада, ўз репертуарини янги, замонавий лирик ва эстрада қўшиқлари билан бойитиб, кўпгина мухлислар орттирди. Коллектив аъзолари ўз она шаҳридагина эмас, балки Украина республикасининг қатор шаҳарларида ҳам гастролларда бўлди, ўз навқирон санъатини намойиш қилди. Ворошиловград эстрада ансамбли составида Игорь Чигирев, Иван Антонюк, Нонна Куликова, Людмила Катанова, Розита Бабенко, Димитр Тодоров каби талантли солистлар бор.

Меҳмон санъаткорлар Тошкент шаҳрида бир ҳафта давомида концертлар берди. Эндиликда украин тароналари пойтахт областининг Янгийўл, Олмалиқ, Ангрен ва Чирчиқ шаҳарларида ҳам янграйди.

Рассом Н. Меламед пойтахтимиз санъаткорларининг концертида бўлиб, бир қатор солистларнинг расмини ишлади. (чапдан ўнгга) 1. Игорь Чигирев, 2. Нонна Куликова, 3. Владимир Софронов ва Арий Гиренко, 4 Димитр Тодоров.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

27, 28 августда

«СКА» (Ростов) — «ПАХТАКОР» (Тошкент)

олий лига командалари ўртасида

ФУТБОЛ

27 августда кеч соат 7 да дублерлар состави, 28 август кеч соат 7 да асосий составлар ўйнайди.

Олдиндан билет сотиш кассалари ишлайди.

«Ўзбекнефть» бирлашмаси коллективи техника бўлимининг катта инженери Ж. Акбаровга отаси

Акбарали ТОШМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Редактор **М. ҚОРИЕВ**

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ — Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №26. Редактор —336545. Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333253. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 331216. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура—337162. Эълонлар—338142. Коммутатор—330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85. Бухоро — 3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз— 54—01. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44. Гулистон — 22-09